БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 129 (2420). | 2 июль сешанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК!

Коммунизм граждани! Муқаддас ва табаррук ном. Нанки, коммунистик жамият граждани бўлиш ленинсифат одам бўлиш, янги ижтимоий муносабатлар қарор топадиган янги дунёнинг етук, меҳнаткаш ва камтарин кишиси бўлиш демакдир. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия коммунизм қурувчиларни ғоявий тоблашга, уларни марксизм-ленинизмнинг ўлмас асарлари, партиямизнинг ҳужжатлари руҳида, ишчилар синфи билан колхозчи-деҳқонларнинг шонли традициялари асосида тарбиялашга энг кўп эътибор бериб келаяпти. Марказий Комитетнинг яқинда бўлиб ўтган ва партия идеология ишининг навбатдаги вазифаларини синчиклаб муҳокама қилган Пленуми ҳам бутун диккатни ана шу масалага қаратди.

Кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун кураш — олға қараб қилаётган ҳаракатимизнинг зарур таркибий қисмидир. Олдинга бормоқ учун аввало йўл олувчиларни етиштирмоқ керак. Бунингсиз довонлардан ошиб бўлмайди. Бунингсиз коммунизм марраларини эгаллаб бўлмайди.

Хўш, янги кишини тарбиялашнинг энг биринчи муҳим шарти нима? Бу — аввало меҳнатдир, коммунизм қуриш ишига бағишланган миллионлар меҳнатидир. «КОММУНИЗМ БИЛАН МЕҲНАТ БИР-БИРИДАН АЖРАЛМАСДИР,— дейди ўртоқ Н. С. Хрушчев.—КИШИЛАРНИНГ ҚОБИЛИЯТЛАРИ ВА ТАЛАНТЛАРИ, ИНСОН ГЕНИИСИ МЕҲНАТДА РЎЁБГА ЧИҚАДИ, ИНСОНИЯТ МЕҲНАТ БИЛАН МАНГУ БАРҲАЁТДИР». Ахир, давримизнинг кўп қаҳрамонларини вояга етказган бизнинг гўзал меҳнат эмасми! Ахир, коммунистчасига яшаш ва ишлаш ҳаракатини бошлаб берган тўлқинимиз ниҳоятдий меҳнат туфайли эмасми! Меҳнат ҳамма гўзалликларнинг подшоҳидир. Бизнинг тузумда, жамиятда, Советлар диёрида меҳнат қуруқ кун кечириш воситаси эмас, балки инсон шаънини улуғлаш, инсон қадрини ошириш воситасидир. Шу сабабдан биз меҳнатга буюк эҳтиром билан қарайлик, коммунизм миллионлар меҳнати билан қуриладиган ёркин жамият, деймиз.

Коммунизм кишиси учун кураш машъаллар ва зарбдорлар учун кураш демакдир. Бизда Люба Ли, Валентин Тюпко, Турсуной Охунова, Саид Нуриддинов, Марҳамат Йўлдошевалар сингари янгилик изловчилар, ҳаётни яратувчилар қанчалик кўпайиб бораберса, коммунизмга бориш суръатларимиз шунчалик тезлаша беради.

Кишиларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида, партияга, Ватанга, халққа ташна муҳаббат руҳида тарбиялаш идеология ишимизнинг биринчи даражали вазифасидир. Идеологиянинг бутун таъсир воситалари худди ана шу максадга қаратилиши, ғоявийлик, ватанпарварлик, камтарлик, ростгўйлик кишиларимизнинг мағзи-мағзига сингдириб юборилиши керак. Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси принциплари ҳар биримиз учун муқаддас бўлиб қолсин.

Маълумки, буржуазия идеологияси ириб-чириб, юзтубан кетяпти. У ғарқ бўлиш олдидан бизнинг идеологиямизга, коммунизм қурувчилар идеологиясига чанг солишга, идеологик жиҳатдан қўпорувчилик қилишга, ҳаётимизга доғ туширишга жонжаҳди билан уриниб кўради. Унинг идеологиямизни кўргани кўзи, отгани тоши йўқ. Коммунистик идеология империалистик идеологияни талвасага солмоқда. Шундай шароитда биз гангстерлар, миллиардерлар, бизнесменлар, иркчилар идеологиясининг кишиларимизга касри урмаслиги учун ғоявий қуролимизни доим чархлаб туришимиз керак. Бу шунинг учун керакки, ҳали орамизда эскилик сарқитларидан ҳали бўлмаган хусусий мулкчилик миясидан чиқиб кетмаган айрим текинхўр, юлғич, чайқовчи, тўраванча одамлар бор. Улар халқнинг тўкин дастурхонидан тамадди қилиб турганлари ҳолда, ўзларини панага олувчи соляпардир, коммунизм қуришга пешона терини ва юрак қонини қўшмаётган ўткинчилардир. Биз бундайларга тоқат қилаолмаймиз. Кўзин шамғалат қилувчилар, давлат чўнтагига қўл солувчилар, обивателлик ботқоғига ботиб қолувчилар бизнинг ўртоқларимиз, сафдошларимиз, ҳамкасбларимиз эмас.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорида шундай сўзлар бор: «ЯНГИ ОДАМНИ — КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ ГРАЖДАНИНИ ТАРБИЯЛАШ ПРОБЛЕМАСИ БУРЖУА ИДЕОЛОГИЯСИГА, ЎТМИШНИНГ СОВЕТ КИШИЛАРИ ОНГИДАГИ САРҚИТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛАНГАНДИР». Хусусий мулкчилик тенденциялари, шахсий бойлик орттириш майллари, давлатга камроқ бериб, давлатдан кўпроқ юлқиб қолиш ҳаракатлари худди ана шу буржуа идеологиясига ўтмиш сарқитларига хосдир. Биз коммунизм кишиси учун курашаётган эканмиз, бундай хатти-ҳаракатларига зарба беришимиз керак.

Коммунизм қурувчисининг сўзи билан иши чамбарчас, дили билан тили бир. Биз одамларга уларнинг ваъдалари ёки мажбуриятларига қараб эмас, балки иш натижаларига қараб баҳо беришимиз лозим. Қоғозбозлик, гапдонлик камроқ бўлсин, ишчанлик, жонкуярлик кўпроқ бўлсин. Афтидан, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги айрим колхоз раҳбарлари бунга амал қилмаётганга ўхшайдилар. Анча ғўзаларини чўллатиб, жингиртоб қилиб қўйишибди. Янгийўлликларнинг юки бор. Улар эл олдида сўз бериб қўйганлар. Буни асло унутмасликлари, дабдабанинг кетидан қувиш ўрнига кўпроқ ишнинг кетига тушишлари даркор. Ғўза гап билан эмас, иш билан гуллайди.

Тошкент — республикамизнинг пойтахт шаҳри ва области. Идеология ишимизнинг юраги аввало шу ерда уриб туради. Шундай экан маҳаллий партия ташкилотлари, область коммунистлари ана шу улуғ ишни жўш урдиришга бутун кучларини сарфлашлари, ғоявий кураш майдонида жавлон уришлари лозим. Қаердаки одам яшаса, ўша ерда коммунистик идеология, Ленин ғоялари тўлқинланиб, кишиларни янги жасоратларга, янги ташаббусларга, янги курашларга кўтариб турсин. Қишлоқларимизда коммунизм идеаллари ўзидан ёркин нур чиқариб, дала меҳнаткашларини буюк фаровонлик ишига отлантириб турсин. Ҳаётимиз шуни тақозо қиляпти. Коммунизм қурилаётган даврнинг шуни тақозо қиляпти.

Куни кеча газеталарда Ўзбекистон КП Марказий Комитети Президиумининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленумини чақириш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Ҳаммамиз ана шу пленумга маънавий ва моддий тухфалар билан келайлик. Шундай қилайликки, коммунизм йўлидаги ҳар бир ишимиз, жасоратимиз улуғвор давримиз эпопеясига олтин ҳарфлар билан ёзилиб қоладиган бўлсин.

ҲАР ТУП ҒЎЗА — КУЗДАГИ ОЛТИН КЎЗА!

Ўртоқ Ҳикматулла Нишоналиевни Янгийўлдаги Ленин номли колхоз аъзолари иззат-икром қиладилар. Неғани, бу почтальон йигит уларга газета ва журналларнинг янги сонларини ўз вақтида етказиб беради. Колхознинг 150 га яқин газетхон, журналхон пенсионерлари Ҳикматулланинг хизматидан хурсандлар. Суратда: ўртоқ Ҳ. НИШОНАЛИЕВ.

А. Тўраев фотоси.

ОЗАРБАЙЖОН ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Озарбайжон қишлоқ хўжалиги ходимларининг ўзаро текшириш бригадаси 1 июлда Тошкентга келди. Бригада Узбекистон қишлоқ меҳнаткашларининг етти йиллик бешинчи йилида қабул қилган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликларини текшириб чиқади.

Озарбайжон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрининг ўринбосари А. П. Халилов бригадага бошчилик қилади. Бригада составида 15 киши, шу жумладан Кюрдамир ишлаб чиқариш бошқармасидаги 26 Бону комиссари номли колхознинг раиси А. Абдуллаев, Барда ишлаб чиқариш бошқармасидаги Фрунзе номли колхознинг бригада бошлиғи С. Жамолова, Шемаха ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари Л. Попова ва қардош республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг бошқа вакиллари бор.

Тошкент аэропортида озарбайжонлик меҳмонларни Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. М. Мусахонов, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Тошкент қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари кутиб олдилар.

Озарбайжон ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари уч группага бўлиниб, Тошкент ва Самарқанд областлари ҳамда Қорақалпоғистон автоном республикасидаги колхоз ва совхозларга жўнайдилар. (ЎзТАГ).

БУ ЁНДА БЎЛИҚ, У ЁНДА СЎЛИҚ

Раис билан дала айланиб юрибмиз. Ҳаракатнинг ҳар йилгидан бошқача экаҳлиги сезилиб турибди. Асосий карталарда кўчатлар тўлиқ, суғориш, озиқлантириш, культивация бир-бирига боғлаб олиб борилаётганлиги учун ғўза бўлиқ бўлиб ўсяпти.

Саратон кўёши далаларни қиздираётган ҳозирги кунларда суғоришнинг бориши айниқса бизни қизиқтирарди. Мана, колхознинг ўртоқ Карим Тўлаганов бошлиқ бригадаси далалари. Бу ерда 56 гектар ерда ғўза ўстирилаяпти. Хозир иккинчи сув берилмоқда. Эгатларда бир меёрда жилдираб оқаётган сув ғўзанинг бўйига-бўй кўшаётгандек. Тажрибали сувчи Тожи ака Тўлаганов ўсимлик томирига қон оқизаяпти.

— Ахир ҳозирги ҳар томчи сув куздаги 3 — 4 кўсак демакдир,— дейди Тожи ака.— бунинг маъноси шуки, экин ёппасига гуллаб амал олаётган шу кезларда суғоришни бир кун бўлса ҳам кечиктирсангиз 10 — 15 кунлик мҳнатингиз пучга чиқади. Ана шуни ҳисобга олиб, биз суғоришга зўр бераяпмиз.

Ҳақиқатан ҳам бу бригадада суғоришнинг бориши кишини хурсанд килади.

Колхозда Тожи ака сингари моҳир сувчилар ҳар бир бригадада бор. Абдужаббор ота Умаров, Турғун Хушназаров, Тоҳир Бўлишбоев, Тоштон Кўчиев сингари миришкорлар сувчилик қилаётган карталарнинг ғўзаси баравж, серҳосил. Лекин очиқ айтиш керакки, ана шундай миришкор сувчиларнинг тажрибаси ҳамма бригаларда ҳам оммалаштирилмаяпти.

Маҳамад Олчиўразов бошлиқ бригадани олайлик. Эҳ, аттанг эрта баҳордан буён қилинган меҳнатнинг бир қисми кўкка совурилибди. Ҳалигача 20 гектарга яқин майдондаги ғўзага биринчи сув берилмаяпти. Ғўза сўлиб, кўп жойларда гулини тўкиб юбораяпти. Шу ҳам инсофданми ахир! Бригадирнинг ўзибилармонлиги, ўжарлиги, ишни яхши ташкил қилмаганлиги туфайли шундай аҳвол юз берган. Бригадада ганимат фурсат бой берилиб, «ғўзани кантариб суғормоқчи» бўлганлар. «Ёғингарчилик кўп бўлди, сув тарасак карталарни ўт босиб кетади. Ҳали вакт эрта, шошмайлик» деди бригадир сувчиларга. Чумчуқдан қўрқиб тариқ экмаган кишининг иши эмасми бу! Ҳали ҳам вакт эрта ўртоқ Олчиўровов, фурсатни қўлдан бой бермай, бутун кучни сафарбар қилиш, ғўзага сув қўйишни тўғри изга солиш лозим.

Фрунзе номли колхозда суғоришнинг бориши тўғрисида яна қўйидагиларни айтиш мумкин: колхоз ерлари асосан паст-баландликлардан иборат. Бу ҳар бир сувчидан моҳирлик билан ишлашни талаб қилади. Айни кунларда сувчилар сонини имконияти борича кўпайтириш лозим. Лекин шундай қилинмаяпти, бу ҳол кундалик топшириқнинг бажарилишига салбий таъсир қилмоқда. Колхоз бўйича ҳали 700 гектар ер иккинчи сувдан чиқарилмаган. Кунига 45 гектар ўрнига атиги 29—30 гектар ерга сув қўйилмоқда. План бўйича 10 июлгача иккинчи сув тамомланиши керак. Лекин суръат шу зайилда давом этадиган бўлса иккинчи суғориш 20 июлгача ҳам чўзилиб кетиши мумкин.

Миришкор деҳқонлар ғўзани тунда суғоришга алоҳида аҳамият берадилар. Чунки ғўза тунда суғорилса биринчидан сув иқтисод қилинади, иккинчидан ғўза сувга тез конади. Бунинг учун тунда ишловчи сувчиларни алоҳида танлаш ва уларга ҳар тарафлама шароит яратиб бериш керак. Афсуски, бу колхозда шундай қилиняпти, деб бўлмайди.

— Кундузи ҳам, кечаси ҳам ўзимиз сув кўямиз. — дейди 15-звенонинг сувчиси Фозилбек ака Сафаров.

Маълум бўлишича кўпчилик звено ва бригадаларда суғориш шундай ташкил этилган экан. Ўзўзидан маълумки, кундуз куни ишлаган киши кечаси ҳам ишласа албатта ишнинг сифати яхши бўлмайди.

Йўлда келаётиб колхознинг иккинчи, учинчи бригадаларининг этак томонларида кўчага сув тошиб ётганлигини кўрдик. Сувчилардан эса дарак йўқ.

— Сув бекорга оқаяпти-ку, — дедик раисга, — олдини олиш мумкин эмасми. Раис ҳозиржавоблик кўрсатди.

— Кўраяпсиз-ку, — деди у,— кўчаларимиз тупроқ, жўрттага сувни кўчага оқизиб қўйибмиз. Чанги босилади.

Ана сизга жавоб! Бу гапнинг ирақдан чиқариб айтилганлигига ким ишонади.

Янгийўлдаги Фрунзе номли колхоздагина эмас, бошқа кўпгина хўжаликларда ҳам ғўзани суғоришда пала-партишликка йўл қўйилмоқда. Ганимат фурсат қўлдан бой берилаётир. Жумладан Назарали Ниезов номли колхознинг Ёкуб Мадалиев, Жўра Ражабов, Хатам Рустамов бошлиқ бригадаларида ғўзани суғориш чўзиб юборилмоқда. Бунинг устига карталарни ўт босиб кетган. Колхоз раиси С. Шамсиев, агроном Қ. Саидмуродов ўртоқлар, ғўза хосилдан колаяпти-ку, бу аҳволда кандай қилиб 690 гектар ернинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил топширамиз, деб берган ваъдаларингизнинг устидан чиқасизлар?!

Ҳар соати, минути ганимат ҳозирги дамларнинг. Демак шундай экан сусткашликка ўрин йўқ. Ҳамма кўч ва имкониятларни сафарбар килиб, ғўза парваришини кучайтириш, айниқса суғоришни сифатли ўтказишга эътибор бериш лозим.

Н. РИХСИЕВ.

КЕКСАЛАР ҲИММАТИ

1-«Оққўрғон» совхозининг 4-бўлими территориясида яшаётган 30 дан ортиқ кексалар ажойиб ташаббус бошлади. Уларнинг илтимоси билан алоҳида бригада тузилди. Ҳозир унга коммунист ўртоқ Аваз Миқтибоев бошчилик қиляпти. Улар шу кунларда бўлимнинг С. Усмонов, Б. Норбўтаев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригаделарида пахтакор деҳқонлар билан елкама-елка туриб ғўзани меҳр билан парвариш қиляптилар.

Ҳозирга қадар кексалар бригадаси 50 гектардан ортиқ майдонни ёввойи ўтдан тозалаб берди. Бўлим пахтакорлари 65-75 ёшга бориб қолган бўлса ҳам бор кучини аямай ишга яқиндан кўмаклашаётган кексалардан Турғунбой ота Абдурахмонов, Миқтибой ота Иброҳимов, Эшбек ота Умиров, Абдурахмон ота Бобоев, Туйдуқ хола Ҳайдирова, Шаҳрихола Умирова, Марва хола Бўрибекова каби ўртоқларни чин юракдан ҳурмат қилмоқдалар.

Раҳмат сизларга, олий ҳурмат отахон ва онахонлар!

М. ХУЖАЕВ.

ДАЛА КУНДАЛИГИ

КУЛЬТИВАЦИЯ СОЗ БЎЛСИН

Ишнинг кўзини билган, ҳар туп ғўзани серҳосил қилиб етиштириш учун юран ҳароратини тўкиб ишлаётган деҳқонлар узунасига ва кўндалангига культивация қилишни нўнгилдагидек ўтказиб, тупроқнинг доимо бўрсиллаб туришини, ўсимликнинг соғлом ривожланишини таъминлашяпти.

Хўш, кўндалангига культивация қилишнинг қандай хосияти бор? Ғўза қатор ораларини узунасига юмшатиш билан бирга кўндалангига ҳам юмшатилганда ўсимлик тўрт томондан шабада ейди. Қуёш ва ер ҳароратидан етарли баҳраманд бўлади. Ҳосил шохлари бир-бирига чатишиб кетмайди. Шунингден бегона ўтнинг илдизи қурийди. Бу нима деган сўз? Бу ғўза шоналари, гуллари тўла сақланиб қолиняпти, деган ҳосил сақланиб қолиняпти, деган сўз.

Агар ғўза фақат узунасига ишланганида деҳқон кутилган ҳосилни ололмайди, негани ўсимликнинг таги бир томонламагина юмшаб, илдизи эркин ривожланмайди, қониб сув ҳам ичолмайди.

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «ЎзССР беш йиллиги» совхозида ҳар йили ҳам ғўза қатор ораларига кўндалангига ишлов бериш нўнгилдагидек ўтказилади. Совхоз деҳқонлари бунинг моҳиятига яхши тушунадилар. Икки томонлама ишлов берилган ғўза машина теримига боп бўлиб ривожланишини улар тажрибада синаб кўрганлар.

Шуни айтиш керакки, областимизнинг ҳамма хўжаликларида ҳам ғўза қатор ораларига кўндалангига ишлов бериш нўнгилдагидек ўтказилаётгани йўқ. Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли, Урта Чирчиқдаги Карл Маркс номли, Бўнадаги «Ленинобод» колхозларининг айрим бригадаларида ғўза қатор ораларига фақат бир томонлама ишлов берилаётганлиги сабабли ўсимлик бегона ўтлар ичида қоврилаяпти. Шабададан етарли баҳра ололмай, ер ва қуёш ҳароратидан баҳраманд бўлмай шона ва гулларини тўкиб юбораяпти. Бу деган сўз — ёз бўйи қилинган меҳнатнинг бир қисми — демак ҳосилнинг бир қисми ҳозирдан зоега кетаяпти, деган сўздир.

Пахтакор ўртоқлар, ғўза қатор ораларига кўндалангига ишлов беришни бўшаштирманг, кўндалангига ишлов бериш мўл ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан бири эканлигини унутманг!

БЕРЛИНДА ТАНТАНАЛИ ҚАБУЛ ҚАРОСИШИ

БЕРЛИН, 1 июль. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси Вальтер Ульбрихтнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан кеча бу ерда тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.

Вальтер Ульбрихт, Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг раиси Отто Гротеволь, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти А. Новотний, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Т. Живков, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Я. Кадар, Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари М. Рейман, Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси Э. Фажон залга кириб келишганида, тўпланганлар уларни гулдурос овациялар билан кутиб олишди.

Зал гумбазлари остида Германия Демократик Республикасининг давлат гимни янгради.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Берлин обер-бургомистри Ф. Эберт юбилярни Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ва Германия Демократик Республикасининг барча меҳнаткашлари номидан самимий табриклайди. У, В. Ульбрихтга сиҳат-саломатлик ҳамда бутун Германияда тинчлик ва социализм ғалабаси манфаатлари йўлида куч-қувват тилайди.

Ф. Эберт Н. С. Хрушчев, А. Новотний, В. Гомулка, Т. Живков, Я. Кадар, М. Рейман ва Э. Фажонга қизғин табрик сўзлари билан мурожаат қилади.

Гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган Н. С. Хрушчев микрофон ёнига келади.

Н. С. Хрушчев Германия ва халқаро ишчилар ҳаракатининг атоқли ветеранларидан бири, таниқли партия ва давлат арбоби Вальтер Ульбрихтга қоят самимий қутловлар топшириб, унга узоқ умр ҳамда унинг немис элида мустаҳкам тинчликни ва социализм ғалабасини таъминлаш йўлида ҳормай-толмай қилаётган ишида янги ютуқлар тилайди.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Вальтер Ульбрихтга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини бериш тўғрисида

Ўртоқ Вальтер Ульбрихтнинг фашизмга қарши курашда актив қатнашганлигини, унинг тинчлик ва социализм ишини, совет ва немис халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги жуда катта хизматларини тақдирлаб, туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси Ўртоқ Вальтер **Ульбрихтга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1963 йил 29 июнь.

БАРЧА ҚИТЪАЛАРДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА

Жаҳон хотин-қизлар конгрессининг МУРОЖААТИ

Бутун дунёдаги, барча қитъалардаги хотин-қизлар, оналар, азиз опа-сингиллар, азиз дугоналар!

Биз, Жаҳон хотин-қизлар конгрессининг қатнашчилари, ҳаммаларингизга мурожаат қиламиз.

Биз, 110 мамлакатдаги юз миллионларча хотин-қизларнинг вакиллари тажрибамизни, ташвишларимиз ва умидларимизни ўртага солиш учун ва нима қилсак ташвишимизга барҳам бериб, умидларимизни рўёбга чиқара олишимизни биргаликда ойдинлаштириб олиш учун ер шарининг ҳамма томонларидан: Европа, Осиё, Африка, Австралиядан, Америка қитъасидаги, ҳамма мамлакатлардан Москвага келдик.

Гарчи мамлакатларимизнинг ривожланиш даражаси ҳар хил бўлса ҳам, гарчи ижтимоий келиб чиқишимиз, сиёсий маслакларимиз ва диний эътиқодларимиз ҳар хил бўлса ҳам, ер шаридаги ҳамма халқлар учун мустаҳкам тинчликни барқарор қилишдан иборат умумий муддаомиз бизларни бирлаштириб турибди.

Биз ишчи, деҳқон, рўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёллар, интеллигенция вакиллари бўлган аёллар учун жамият ва оилада муносиб ва ҳаққоний ўринни эгаллашдаги, ўз қобилиятларимизни тўла камол топтиришга, кишилик тараққиётининг ҳамма соҳаларида қатнашишга имкон берувчи ҳуқуқларимиз ва бурчларимизнинг тенглиги учун курашдаги интилишимизда бирдаммиз. Миллион-миллион хотин-қизлар ҳозирдаёқ иқтисодий, социал ва сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритдилар ҳамда ана шу ҳуқуқларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун курашмоқдалар. Миллион-миллион хотин-қизлар эркаклар билан тўла тенглик асосида янги жамиятни барпо қилишда қатнашмоқдалар.

Валентина Терешкова билан Валерий Биковскийнинг жасорати орзуларимиз ушалиши мумкинлигини жуда яхши исботлаб турибди.

Биз болаларимизнинг бахт-саодатини қўлга киритишга, ер шаридаги барча болаларнинг соғ-саломат, бахтиёр, самарали ҳаёт кечиришини таъминлаб беришга яқдиллик билан маҳкам бел боғлаганмиз.

Аёллар — жаҳондаги ҳамма болаларнинг онасидир. Ўзимиз яшаб турган илмий ва социал тараққиёт асрида миллион-миллион болаларнинг шодликдан маҳрум бўлаётганлигига, қорни нонга тўймаётганлигига, саводсиз бўлиб қолаётганлигига, эксплуатацияга дучор қилинаётганлигига, ҳор-зор қилиб қўйилганлигига, бевақт ўлимга маҳкум этилганлигига биз чидаб тура олмаймиз.

Ирқлар ва халқлар ўртасида душманлик ва адоватнинг тарғиб қилинишига, реакция ва уруш кучлари ёшларнинг онгини заҳарлаш ва руҳини бузиш имкониятига эга бўлиб қолганлигига биз чидаб тура олмаймиз.

Бутун дунёдаги ва барча қитъалардаги хотин-қизлар!

Биз сизларни хотин-қизларнинг ҳамма соҳалардаги ҳуқуқларини — меҳнат қилиш, соғлиқни сақлаш, дам олиш, маданиятдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларини, иқтисод, гражданлик ва сиёсий ҳуқуқларини қўлга киритиш ва ҳимоя қилиш йўлида машаққатлар ва қурбонлардан қўрқмасдан, ҳормай-толмай кураш олиб боришга чақирамиз, токи мамлакатларимизда ва бутун ер юзида ҳар бир оиланинг бахтиёр турмуш кечириши учун унга тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликнинг, социал тараққиёт, инсонпарварликнинг буюк идеалидан илҳомланган болалар авлодини тарбиялаш имкониятини берувчи зарур шарт-шароитларни вужудга келтирайлик.

Бахт-саодат ҳақидаги ана шу қонуний муддаомизни рўёбга чиқармоқ учун халқлар дўст бўлиб тинчликда яшамоқлари зарур.

Бутун ер юзидаги азиз опа-сингиллар, азиз дугоналар!

Биз қуролланиш пойгаси вужудга келтираётган хавфнинг ўсиб бораётганлигидан ташвишланмоқдамиз, қуролланиш пойгаси термоядро ҳалокатига олиб борши, бутун инсоният учун қоят жиддий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Беҳисоб ресурслар вайронгарчилик ва қирғин қуролларини ишлаб чиқаришга беҳуда, бефойда сарфлаб юборилмоқда.

Биз ўз болаларимизнинг истиқболи ва тинчлик тақдири учун масъулиятимизни англаган ҳолда, уруш хавфини йўқотиш учун курашга тобора кўпроқ ҳисса қўшишга маҳкам бел боғладик.

Бизнинг истагимиз мустаҳкам тинчликни барқарор қилишда иштирок этишдир. Бизнинг муддаомиз мустаҳкам тинчликни барпо этишдир. Биз урушни истамаймиз ва давлатлар ўртасидаги можаролар тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиниши мумкинлигига аминмиз.

Бизнинг муддаомиз бир-бирини ҳурматлаш, территориал бутунлик ва суверенитет, ҳужум қилмаслик, аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида, социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг бутун дунёда тинч-тотув яшашини барқарор қилишдир. Бизнинг муддаомиз қаттиқ контрол остида ёппасига ва батамом қуролсизланишга, биринчи галда термоядро қуролини тарк этишга эришишдир.

Биз сизларни:

Ядро синовларини тўхтатишга, атомсиз зоналар вужудга келтиришга, ҳарбий базаларни тугатишга ва бошқа мамлакатларнинг территорияларидан қўшинларни чақириб олишга эришиш учун бизлар билан биргаликда дам олмай ва бир нафас тўхтамай кураш олиб боришга:

Шу соҳада иш олиб бораётган арбоблар, ташкилотлар, ҳукуматлар, барча кишиларнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга;

Тинчлик, тинч-тотув яшаш, қуролсизланиш йўлида хотин-қизларнинг ҳаракатларини кўпайтиришга чақирамиз.

Қуролсизланиш тинчликсевар кишиларнинг энг буюк ғалабаларидан бири бўлади. Қуролсизланиш ялпи тинчликни барқарор қилишга ёрдам беради, халқлар ўртасида чинакам тенглик учун шарт-шароитлар яратади, жуда кўп миқдордаги моддий ресурслар ва одамларни тинч меҳнат учун бўшатиб беради, илм-фанни инсониятга хизмат қилдиради.

Қуролсизланиш ҳал бўлмаётган социал проблемалар ва бошқа проблемаларнинг ҳаммасини бартараф қилмаса ҳам, халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушувчи шарт-шароитларни яратиб беради.

Қуролсизланиш ва тинчлик ишн ўз миллий мустақиллиги учун курашаётган халқларнинг ишн билан чамбарчас боғлангандир.

Миллион-миллион эркаклар, хотин-қизлар, болаларнинг ҳали ҳам мустамлакачилик асоратида қолиб келаётганлиги, Африка, Осиё, Латин Америкасидаги кўпгина мамлакатларнинг ҳали ҳам иқтисодий жиҳатдан империалистик давлатларга қарам бўлиб қолаётганлиги, Гитлер тор-мор келтирилгандан кейин 18 йил ўтган бўлса ҳам, ҳамон фашист диктатураларининг мавжудлиги инсоният учун йўл қўйиб бўлмайдиган ва шармандали бир ҳолдир.

(Давоми иккинчи бетда).

ҲАМИША ОММА БИЛАН!

Суратда: Фрунзе район милиция бўлимининг бошлиғи Т. Розиқулов (чапдан биринчи) «Ленинча жума» куни Тошкент тўқимачилик комбинатида 2-йигирув фабрикасининг ишчиси Розия Каримовани қабул қилмоқда. Уртада комбинат кадрлар бўлимининг бошлиғи А. Аюпов ва 2-тўқув фабрикасининг мастер ёрдамчиси А. Зоиров ўртоқлар.
А. Абалян фотоси.

Тошкентда „ленинча жумалик“

28 июнь — жума куни партия, совет ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларидан 150 дан кўпроқ киши Тошкент корхоналарида ва қурилишларида бўлдилар. Улар КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг якунлари тўғрисида суҳбатлар ўтказдилар. Пленум қатнашчилари меҳнаткашлар ўртасида идеология ишини янада кучайтиришнинг кенг планларини белгилаган ана шу тарихий Пленум иши ҳақида ахборотлар бердилар. Суҳбатлар вақтида шаҳар меҳнаткашлари идеология ишини, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган таклифлар киритдилар.

Традиция бўйича «ленинча жумалик» деб аталган бундай учрашувларни Тошкент шаҳар партия комитетининг бюроси ҳар ойда икки марта ўтказиб туришга қарор қилди.

Тарихий съезд

РСДРП II СЪЕЗДИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

□ □ □

Совет халқи шу йил июль ойининг охирида В. И. Ленин тузган ва камолга етказган Коммунистик партиямиз II съездининг шонли олтмиш йиллигини тантанали нишонлайди. Асосий якуни революцион марксистик партия — большевиклар партиясини тузишдан иборат бўлган бу съезднинг партиямиз тарихидаги, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихидаги роли ҳамда аҳамияти бениҳоя каттадир.

* * *

РСДРП II съезди арафасида Россиядаги вазият қандай эди? Капитализм ўзининг энг юқори ва охирги империалистик босқичига ўтган, пролетар революцияси бевосита амалий кураш вазифаси бўлиб кун тартибида турган бу янги даврда жаҳон капитализмининг ғоятда кескинлашган барча зиддиятларининг маркази Россияга кўчган эди.

Чор Россиясида капиталистик, феодал, ҳарбий зулмнинг энг даҳшатли кўринишлари ҳукмрон эди. Айни бир вақтда революцион пролетариатнинг янги ҳаёт тантанаси учун курашга отланганлиги ишчилар ҳаракатида, деҳқонлар ғалаёнида, революцион ташкилотлар фаолиятида яққол намоён бўлган эди. Рус пролетариати олдида яқинлашиб келаётган халқ революциясига бошчилик қилиб, барча ишчи ва деҳқонларни самодержавиега қарши ҳал қилувчи штурмга отлантириш вазифаси турарди. Бу тарихий вазифани амалга оширишда пролетариатга, кенг халқ оммасига моҳирлик билан йўлбошчилик қила оладиган, кун сайин кучайиб бораётган революцион ҳаракатни пролетариат раҳбарлигига бўйсундира оладиган жанговар, революцион марксистик партия тузиш зарур эди.

Владимир Ильич Ленин марксистик партия тузиш планини ишлаб чиқди. У ўзининг машҳур «Нимадан бошламоқ керак?» деган асарида; марксистик партияни тузишда умумрус сиёсий газетаси ҳал қилувчи роль ўйнамоғи лозим, деган хулосага келди. Асосий масала шундаки, деб ёзган эди Ленин, кенг омма курашга жадал ингилмоқда, революционерларда эса раҳбарлар ва ташкилотчиларнинг штаби йўқ. Шунинг учун ҳам у «нимадан бошламоқ керак?» деган саволга умумрус сиёсий газетасини йўлга қўйишдан бошламоқ керак, деб жавоб берди. Чунки бундай газета ишчилар ҳаракати ичидаги душманларни ғоявий тор-мор этишга ҳамда революцион назарияни ҳимоя қилиб партиянинг программ мақсадлари ва тактик вазифаларини белгилаб олишга ёрдам берар ҳамда маҳаллий комитетлар ва группаларни ташкилий жиҳатдан бир партияга бирлаштирувчи ўткир қурол сифатида хизмат қиларди.

В. И. Ленин асосланган «Искра» газетаси худди ана шу мақсадга хизмат қилди. Газета марксистик партия тузиш учун курашда асосий ғов бўлган «экономистлар»ни, оппортунистларни аёвсиз фош этди.

В. И. Ленининг ишчилар синфи партиясини тузишнинг ташкилий планлари муфассал баён этилган, пролетар партиясининг ғоявий принципларини ишлаб чиқишда жуда катта роль ўйнаган «Нимадан бошламоқ керак?», «Нима қилмоқ керак?» асарларида олға сурилган ғояларни газета кенг пропаганда қилди. «Искра» партиянинг асосий ядроси — профессионал революционер кадрларни вояга етказиш, РСДРП II съездини чақириш ҳамда пролетариатнинг марксистик партиясини тузиш учун ғоявий ва ташкилий қурол сифатида партия Программаси ҳамда Уставини тайёрлаш ва уни пропаганда қилиш борасида жуда катта иш олиб борди. В. И. Ленининг «Нима қилмоқ керак?» деган асари экономизмни ғоявий жиҳатдан тор-мор этишда, марксизм асосида партия кадрларини жипслаштиришда, РСДРП II съездини тайёрлашда ва Россияда янги типдаги революцион партия тузишда мислсиз роль ўйнади.

РСДРП II съезди 1903 йилнинг 17 июлидан 10 августигача давом этди. Съезд мажлислари яширин ҳолда аввал Брюсселда, сўнгра Лондонда ўтди. Бу съезд рус революцион ҳаракатининг бутун тарихида мислсиз катта воқеа бўлди.

Съездга тайёргарлик кўриш ва унинг ишларига раҳбарлик қилишда Ленин жуда катта жасорат кўрсатди. съездда муҳокама қилинган бир қанча масалалар бўйича резолюция проектларини тайёрлади. У «Искра» принципларини қувватлаб, съездда юз мартадан ошиқ сўзга чиққанлиги ва искрачилар билан антиискрачилар ўртасидаги ихтилофлар нақадар кескин тус олганлигини кўрсатади. Оппортунистлар, «экономист»лар партия программаси, устави ва бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинганда пролетариат манфаатларига очиқдан-очиқ хиёнат қилиб, съезд ишини барбод этишга уринб кўрдилар. Ленин ленинчилар кучли ихтилофларни енгиб, зўр ғалабани қўлга киритдилар. Партия Программаси ва Устави қабул қилинди.

Партиянинг биринчи Программасида ишчилар синфи курашининг мақсади ва вазифалари илмий жиҳатдан асослаб берилиб, пролетариатнинг революцион курашдаги туб мақсади, унинг энг яқин вазифалари белгилаб берилди. Пролетариат ўртасида социализм идеясини кенг тарғиб этишга, оммани шу руҳда тарбиялашга даъват этилган революцион партиянинг бениҳоя роли Программанинг назарий қисмида яққол баён этилди. Шу қисмда ишчиларнинг стихияли ҳаракатини ҳимоя қилган, социалистик онг, ишчилар ҳаракатида марксистик партиянинг нақадар улуғ роль ўйнашини инкор этган «экономист»ларга қақшатғич зарба берилди.

В. И. Ленин пролетариат партиясининг бурчи, тарихи, вазифаси марксизмни ижодий ривожлантириш, уни конкрет шароитларга татбиқ қилиш билан ишчиларнинг стихияли ҳаракатига социалистик онг киритиш, пролетариат курашига социалистик характер беришдан иборат бўлмоғи лозим, деб уқтирган эди. Шунинг учун ҳам Ленин марксистик партиянинг моҳиятини ифодалаб, партия ишчилар ҳаракатини социализм билан қўшишдан иборат, деган эди. Бу идея партиямиз тарихида ниҳоятда буюк аҳамиятга эгадир.

Программада марксистик партия пролетариат синфий курашининг ҳамма кўринишларига раҳбарлик қилади. эксплуататорлар манфаатларининг эксплуатация қилинувчиларнинг манфаатларига тамоман қарама-қарши эканлигини пролетариат олдида фош қилади ҳамда бўлажак социал революциянинг тарихий аҳамиятини ва зарур шартларини унга тушунтириб беради, деб таъкидланиши принципиал аҳамиятга эга бўлиб, «экономист»лар концепциясига зарба берди.

В. И. Ленин пролетариат диктатураси галабаси учун кураш масаласини олға суриб, ишчилар синфининг иттифоқчиси сифатида деҳқонларнинг революцион курашни жуда катта аҳамиятга эга эканини қайд қилиб, партия Программасига деҳқонлар масаласи бўйича революцион-демократик талабларни киритди. Программада деҳқонларни революцион курашга актив жалб этиш, қишлоқда синфий курашни янада кучайтириш учун замин яратиш, социалистик революцияга ўтиш учун шароит тайёрлаш вазифалари олға сурилди.

Программада миллий масалага алоҳида эътибор берилди. Съезд бу масалани муҳокама қилишда пролетариатнинг демократия ва социализм учун курашда энг муҳим резерви бўлган миллий озодлик ҳаракати ҳақидаги марксизм қоидасига амал қилди. Программанинг миллий масала бўйича миллатларнинг ўз тақдирларини ўзи белгилаши тўғрисидаги қоидаси муҳим аҳамиятга эга эди, бу қоида ҳар қайси миллатларнинг эркин ҳолда ўз тақдирини ўзи ҳал эта олиш ҳуқуқига эга бўлишини, ҳатто ажралиб чиқиш ва мустақил давлат туза олиш ҳуқуқига эга бўлишини кўзда тутган эди. Бу қоида Ленининг съездга қадар босилиб чиққан «Бизнинг программамизда миллий масала», «Арман социал-демократлари манифести ҳақида» мақолаларида асослаб берилган эди.

II-съезд қабул қилган Программа партиянинг жанговар байроғи сифатида ишчилар синфи билан деҳқонлар оммасини чориздан ва капитализмга қарши курашга маҳкам жипслаштирди ҳамда халқимизни Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасига олиб келди. Бу Программа партиямизнинг VIII съездига қадар партия ва халқ қўлида ҳаракат қўлланмаси сифатида хизмат қилди.

Съездда партия Устави проектини, айниқса, унинг биринчи параграфи — партияга ким аъзо бўлиши кераклиги масаласини муҳокама қилишда искрачилар билан антиискрачилар ўртасида кескин кураш борди. В. И. Ленин партия бир бутун ташкилот бўлиб, унинг ҳар бир аъзоси партия ташкилотларидан бирида турмоғи лозимлигини қатъий талаб қилди. Партияга аъзо бўлиш тўғрисидаги Ленинча тушунча марксистик партия йўлининг мустаҳкамлигини, унинг принципларининг ҳаққонийлигини қўриқлар ва беқарор элементларнинг партияга киришини қийинлаштирарди. «Бизнинг вазифамиз, — деган эди В. И. Ленин, — партиямизнинг мустаҳкам, саботли бўлишини, софлигини сақлашдир. Биз партия аъзоси деган номни ва аҳамиятини юқори ва янада юқори кўтаришга ҳаракат қилишимиз лозим».

Уставнинг биринчи параграфи гарчи оппортунистларнинг таклифи бўйича қабул қилинган бўлсада, унинг қолган параграфларини тасдиқлашда ленинчилар ғалаба қилдилар. Уставдаги партия Марказий Комитети «партиянинг ҳамма амалий ишларини бирлаштиради ва йўл кўрсатади», «Марказий Комитетнинг ҳамма қарорлари барча партия аъзолари учун мажбурийдир» сингари қоидалар партиянинг кейинги ҳамма уставларида баён этилди. Съезд тасдиқлаган ленинча Устав келажакда большевикларнинг марказлашган, мустаҳкам, пролетар партияси учун курашда қурол бўлиб қолди. Бу Устав партия турмушининг қатъий нормаларини ва партиявий раҳбарлик принципларини белгилаб берди. Бу ташкилий принциплар кейинчалик В. И. Ленин асарларида, партия қарорларида янада ривожлантирилди.

РСДРП II съезди катта тарихий аҳамиятга эга. Бу съездда большевизмнинг сиёсий йўналиши юзага келди, янги типдаги партия — ишчилар синфининг жанговар, марксистик партиясига асос солинди. Съезд Россияда революцион ишчилар ҳаракатининг ривожланишида порлоқ саҳифа очди, ер куррасидаги ишчилар ҳаракатининг бурилиш нуқтаси бўлди. Тарих маҳонига чиққан большевизм ревизионизмга, халқаро оппортунизмнинг барча кўринишларига қаттиқ зарба берди.

Большевизм халқаро революцион пролетариатнинг жанговар байроғига айланди, ишчилар синфининг марксистик партиялари учун ёрқин намуна бўлиб қолди. Сиёсий фикр оқими сифатида, сиёсий партия сифатида бундан олтмиш йил муқаддам юзага келган Коммунистик партия ҳозирги кунда куч-қудрати чексиз бўлган жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг синаган авангарди бўлиб қолди.

Совет халқи улуғ Ленин асосланган ва вояга етказган Коммунистик партия умумхалқ партияси бўлиб қолганлиги билан олтмиш йил мўқаддам юзага келган Коммунистик партия ҳозирги кунда куч-қудрати чексиз бўлган жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг синаган авангарди бўлиб қолди.

Совет халқи улуғ Ленин асосланган ва вояга етказган Коммунистик партия умумхалқ партияси бўлиб қолганлиги билан олтмиш йил мўқаддам юзага келган Коммунистик партия ҳозирги кунда куч-қудрати чексиз бўлган жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг синаган авангарди бўлиб қолди.

БЕРЛИНДА ТАНТАНАЛИ ҚАБУЛ ШАРОСИШИ

(Боши биринчи бетда).

Н. С. Хрушчев юбилярнинг ҳаёт йўлини тавсифлаб. Вальтер Ульбрихт ўз ҳаётини илмий коммунизм улуғ идеяларини амалга ошириш учун, чинакам тинчликсевар ва демократик янги Германия учун, курашга бағишлади, деб таъкидлайди. Э

Н. С. Хрушчев В. Ульбрихтнинг фашизмга қарши, гитлерчилар агрессиясига қарши актив курашганлигини таъкидлаб, юбиляр совет-герман фронтидаги немис солдатлари ва офицерлари ўртасида катта сиёсий иш олиб борганлигини эслатиб ўтади.

1942—43 йилларнинг огир қиш кунларида Вальтер Ульбрихт фашизмни яксон қилиш, гитлерчи босқинчиларни тор-мор келтириш ҳамда немис халқини, Европадаги ҳамма халқларни фашизм асоратидан халос этиш масаласи, аввало, қурол ёрдами билан конкрет ҳал қилинган жойларда бўлди.

Германиянинг ва немис ишчилар ҳаракатининг урушдан кейинги тараққиётидаги энг зўр ишлар ва воқеаларнинг ҳаммаси, дейди сўзини давом эттириб Н. С. Хрушчев, Вальтер Ульбрихт номи билан чамбарчас боғлангандир. У, Вильгельм Пик, Отто Гротеволь, Макс Рейман ва Германия ишчилар синфининг бошқа кўпгина содиқ фарзандлари билан қўлни-қўлга бериб, ишчилар ҳаракатининг ҳалокатли парчаланишини бартараф қилиш ва ишчилар синфининг марксчи-ленинчи жанговар авангарди — Германия Бирлашган социалистик партиясини тузиш, мамлакатдаги барча сиёсий кучларни тинчлик, демократия ва тараққиёт байроғи остида жипслаштириш ҳамда Демократик Германия Миллий фронтини барпо қилиш учун актив кураш олиб борди. Ўртоқ Вальтер Ульбрихт Вильгельм Пик ва Отто Гротеволь билан биргаликда ишчи ва деҳқонларнинг немислар тарихидаги биринчи давлати — Германия Демократик Республикасининг ташкилотчиси бўлди.

Сўнгра, Н. С. Хрушчев немис ишчилари халқаро пролетариатнинг революцион курашига буюк ҳисса қўшганлигига тўхталиб ўтади. Карл Маркс билан Фридрих Энгельс, дейди у, ўзларининг буюк революцион фаолиятларини мана шу немис элида бошлаган эдилар. Улар социализмни утопиядан фанга айлантирдилар, революцион тафаккурни революцион ҳаракатга пайванд қилдилар. Улар марксизмни — инсон даҳосининг энг яхши муваффақиятларини ўзида мужассамлаштирган фан ва практиканинг ана шу монолит қотишмасини чиқиқтирдилар. Улар ишчилар ҳаракатини интернационал ҳаракатга айлантирдилар. Марксизм, деб таъкидлади Н. С. Хрушчев, истиқболнинг, коммунизмнинг ҳеч ким юрмаган, йўлларини ишчилар синфига кучли прожектордек мунаввар қилиб берди.

Н. С. Хрушчев Германия Коммунистик партиясининг шонли йўлини, атоқли немис революционерларини эслатиб ўтади.

Германиянинг учдан бир қисми узра ҳозирдаёқ социализм байроғи ҳилпирамоқда. Маркс, Энгельс ва немис революционерлари кўпгина авлодларининг эзгу-орзуси, чизиб берган улуғ режаси мана шу ерда рўёбга чиқарилмоқда.

Қадрдон немис дўстлар! — дейди Н. С. Хрушчев, мана шу ерда, Германиянинг шарқий қисмида сизлар амалга ошираётган иш зўр халқаро аҳамиятга эга. Олға қараб муваффақият билан бораётганлигингиз социализм ҳаётий кучга эга эканлигининг яққол далилидир.

Германия Демократик Республикасининг коммунистлари ҳозир социализм учун курашнинг олдинги сафида бораяптилар. Бу — фахрли ва масъулиятли вазифа. Бу вазифа бутун куч-қувватингизни, бутун ғайратингизни сарфлашингизни, қатъияткорлик, революцион жонкуярлик билан фидокорона меҳнат қилишингизни талаб қилади. Мана шу ерда, Европанинг марказида, Германия Демократик Республикаси тупроғида бутун немис миллатининг келажаги яратилмоқда.

Менга айтишларича, мана шу жойда Ғарб мамлакатларининг журналистлари ҳам бор эмиш. Уларнинг орасида Ғарбий Германиянинг вакиллари борми-йўқми бунисини билмадим. Агар бўлиса, шуни ёзиб олишсинки, Қизил байроқ остида социалистик асосда бирлашган ягона герман давлати барпо этилади, деб биз қатъиян ишонч билдирамиз.

Бизнинг замонамизда бошқа тахлитдаги бирлашган Германиянинг бўлиши мумкин эмас!

Илгариги вақтларда империалистлар, Даллеснинг севимли ибораси билан айтганда, социализмни «улоқтириб ташлаш»ни хаёл қилар эдилар. Бир уннаб кўрингчи, жаноб империалистлар, ўзингиз улоқтириб ташланасиз. Эндиликда социализм мустаҳкамланиб, ерга умрбод кучли илдиз отди; социализм гранитдек қад кўтариб турибди, бинобарин, кимки уни йўқ қилиб ташлашга уринса, ўзи яксон бўлиб кетади.

Германиянинг капиталистик тартиблар ҳукмрон бўлган қисмида халқ манфаатларининг асл ифодачиси — Коммунистик партия тақиқлаб қўйилди. Бироқ, Ғарбий Германия коммунистлари демократия, озодлик ва социализм учун курашни яширин суратда давом эттирмоқдалар, реваншчиларга қарши, ўз мамлакатининг агрессия, янги жаҳон урушини бошлаш базасига айлантириб юборилишига қарши ҳаракат қилмоқдалар.

Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Вальтер Ульбрихтга табрикномасини ўқиб беради ҳамда ўртоқ Вальтер Ульбрихтнинг гитлерчилар фашизмига қарши курашдаги жуда катта хизматларини, совет халқининг Улуғ Ватан урушида, тинчлик ҳамда немис ва совет халқари ўртасида бузилмас қардошларча дўстлик ўрнатиш учун курашда бевосита қатнашганлигини тақдирлаб, СССР Олий Совети Президиуми унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони беришга қарор қилганлигини айтади.

Н. С. Хрушчев СССР Олий Совети Президиумининг фармонини ўқиб бергач, Вальтер Ульбрихтга Ленин орденини ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдуз медалини топширди. Залда гулдурос қарсаклар бошланди. Н. С. Хрушчевнинг сўзи бирнеча марта қарсаклар билан бўлиниб туради. Унинг якунловчи сўзи олқишлар билан кўтиб олинади.

Н. С. Хрушчев В. Ульбрихтни қардошларча қучоқлаб ўпади.

Ҳозир бўлганлар «Интернационал»ни куйлашади.

Шундан сўнг Вальтер Ульбрихт нутқ сўзлайди.

В. Ульбрихт Н. С. Хрушчевга қараб, юксак шараф учун, самимий сўзлари ва истаклари учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдиради.

У сўзини тамомлаб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси учун, КПСС Марказий Комитети ва унинг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев учун, Совет ҳукумати ва совет халқи учун, бутун немис халқининг совет халқи билан дўстлиги учун қадаҳ кўтаради.

Германия Бирлашган социалистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. Штоф юбилярга табрик сўзлари билан мурожаат қилди.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти А. Новотний қисқача табрик нутқи сўзлайди.

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Я. Кадар сўзга чиқади. У, Венгрия коммунистлари, Венгриянинг барча меҳнаткашлари номидан В. Ульбрихтга самимий қутловлар топширди.

Шундан сўнг И. Дикман Германия Демократик Республикасининг Давлат кенгаши номидан юбилярга самимий табрик сўзлари билан мурожаат қилди.

Э. Корренс Демократик Германия Миллий фронтига бирлашган ҳамма партияларнинг табригини топширди.

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка юбилярни Польша Бирлашган ишчи партияси ва бутун поляк халқи номидан қизғин табриклайди.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Т. Живков Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлисининг президиуми В. Ульбрихтни Георгий Димитров ордени билан мукофотлаганлигини маълум қилади.

М. Рейман В. Ульбрихтга қизғин табрик сўзлари билан мурожаат қилади.

Юбилярни Э. Фажон ва ғарбий германиялик социал-демократ ҳам қизғин табрикладилар.

В. Ульбрихт микрофон ёнига келади. У ўз номига айтилган барча самимий ва дўстона сўзлар учун миннатдорчилик билдиради.

Қабул маросими самимийлик, дўстлик ва қардошлик вазиятида ўтди.

БАРЧА ҚИТЪАЛАРДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА

(Боши биринчи бетда).

Барча халқлар озод ва мустақил бўлиб яшаш, ўзлари учун турмуш тарзини ва ижтимоий тузумни танлаб олиш имкониятига эга бўлмоқлари керак.

Биз империалистик жабр-зулмнинг ҳамма турларига, мустамлакачиликнинг ҳамма шакллари ва феодализм қолдиқларига қарши ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашаётган хотин-қизлар билан, халқлар билан бердаммиз.

Биз фашизмнинг мудҳиш шароитида курашаётган ва азоб чекаётган хотин-қизлар билан бирдаммиз. Бинобарин, биз биронта ҳам аёл ўз болаларини, озодликни, тинчликни ҳимоя қилганлиги учун қамоқда ётмасин деб курашмоқдамиз.

Ҳаммага ҳаёт ато қилувчи биз, хотин-қизлар, шу ҳаётни ҳимоя қилмоғимиз керак.

Ҳуқуқларимизни, фарзандларимизнинг бахт-саодатини ҳимоя қилиш, халқларнинг тинчлигини ва мустақилликка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишида бизнинг зиммамизга катта масъулият тушаётган бўлса ҳам, лекин биз ўз кучларимизга ғоят ишонамиз.

Биз инсониятнинг ярмидан кўпини ташкил қиламиз. Бизнинг кудратимиз бирлигимиздадир, бирлигимиз учинчи жаҳон урушининг даҳшатларига шу чоққача йўл қўймаслик имкониятини берди.

Бизларни бирлаштириб турган нарса:

Яъни болаларимизга бўлган муҳаббатимиз, бутун дунё хотин-қизлари ва халқларининг дўстлиги ва бирдамлиги, тинчликка, адолатга, тараққиётга ва бутун башариятнинг бахт-саодатига интилишимиз зўр кучга эгадир.

Ҳамма кучларимизни тўплаб, уруш хавфига қарши ишга солиш учун, бутун ер шарида мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун бирлашдик.

Биз истасак, ҳаёт тантана қилаверади!

Москва, 1963 йил 24-29 июнь.

ТЎҚИМАЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Биринчи смена тугадию, комбинатга Тошкент шаҳар ва Фрунзе район партия комитетларининг раҳбарлари, район ижроия комитети ходимлари келиб қолишди. Улар якка-якка бўлиб участкаларга ажралдилар.

Комбинат бошқармасининг мажлислар зали. Даврада комбинат раҳбарлари, инженер-техник ходимлар, ишлаб чиқариш новаторлари ва хизматчиларни кўрамиз. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. Муртазоев йиғилганларга яқиндагина ўз ишини тугаллаган КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми якунлари тўғрисида, партиямизнинг идеология иши соҳасидаги навбатдаги вазифалари ҳақида гапириб берди. Учрашув қизғин суҳбатга айланиб кетади. Мамлакатимизнинг ташқи ва ички ҳаёти, шунингдек идеология масалаларига оид берилган саволларга ўртоқ Муртазоев батафсил жавоб қайтаради.

Кадрлар бўлимининг хонасида Фрунзе район милиция бўлимининг бошлиғи ўртоқ Т. Розиқулов, комбинат кадрлар бўлимининг бошлиғи А. Аюпов ва 2-тўқув фабрикаси мастер ёрдамчиси А. Зоиров ўртоқлар ўтиришибди. Ўртоқ Т. Розиқулов қабулхонасини бугун шу ерга кўчирган. Мана, иккинчи йигирув фабрикасининг съёмшчиги Розия Каримова қабулда.

— Марҳамат, ўтиринг.

— Раҳмат. Мен бир масалада маслаҳатлашгани келувдим.

— Қани эшитайликчи?

— Илгари бир квартирада турардим. Кейинчалик таниш кампирнинг уйига кўчиб ўтдим. Уй дафтарига қайд қилишга руҳсат беролмайсизми?

— Турар-жой майдони етарлими?

— Етади. Кампир ёлғиз тураркан.

Бошлиқ руҳсат беради.

Кўчма қабулхонага навбатдаги киши кирди...

Боя айтганимиздек шу куни комбинатга кўп меҳмон келган эди. Мана, 2-тўқув фабрикасининг 2-цехи. Дмитрий Антонович Ивашченко раҳбарлигидаги бу коммунистик меҳнат цехи коллективи яхши ишлари учун ҳамиша комбинатдагиларнинг оғзига тушгани-тушган. Тўқувчилар ҳузурига республика «Правда Востока» газетаси редакторининг ўринбосари ўртоқ С. Соколова меҳмон бўлиб келди. Ишчилар билан журналист ўртасида қизғин суҳбат борарди.

Худди шу пайтда Фрунзе район партия комитетининг секретари ўртоқ Н. Захарина 2-йигирув, райкомнинг пропаганда бўлими мудири ўртоқ И. Голубцев газмолга гул босиш фабрикалари ишчилари билан учрашдилар. Ҳар бир учрашув самимий қизиқарли ва фойдали ўтди.

Қайтар чоғда ишчилардан бири билан суҳбатлашиб қолдик, учрашувлардан қандай таассурот олганини сўрадик. У ип фабрикасида калаваловчи бўлиб ишларкан.

— Бундай учрашувлар ҳамиша фойдали бўлади, — деди. Ўртоқ З. Муқминова. — Қани энди раҳбарлар комбинатимизга тез-тез келиб туришса, соз бўлар эди-да.

Ҳа, жуда соз бўлар эди!

Т. МИРҲОДИЕВ.

Тошкент тўқимачилик комбинати.

ЖУМБОҚЛАР ЕЧИЛГАН ЖУМА

Завод ишчи-хизматчилари бир группа партия-совет ходимларининг бу ерга келишидан бохабар эдилар. Бирпкун аввал завод радиоузели орқали эълон эшиттирилганди. «Ленинча жума» ҳақида корхонага кираверишдаги эълонда ҳам хабар берилиб, «Барча масалалар юзасидан мурожаат қилишингиз мумкин» деб ёзилганди.

Белгиланган вақтда саноат область партия комитетининг секретари Х. Р. Мусахонова, шаҳар ижроия комитети милиция бошқармасининг бошлиғи А. Т. Тошметов, Киров район ижроия комитети раиси А. А. Каприелов, шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бўлимининг бошлиғи А. А. Сутягина, шаҳар партия комитетининг консультант лектори В. Ф. Дробишев ўртоқлар «Ўзбексельмаш» заводи ишчилари ҳузурига келишди.

Соат 16 бўлиши билан қабул бошланди.

Қуюв цехининг ишчиси Багиров қабулда. Ўртоқ А. Каприелов унинг шикоятини обдон эшитди. Багировнинг уй-жой масаласида боши қотиб юрган экан. 1800 сўмга жой олибди. Бола-чақаси билан кўчиб кирибди. Ленин янги турар-жойини расмийлаштирилмаётган экан.

— Бошда бамаслаҳат иш тутмабсиз,— деди район ижроия комитетининг раиси. — Завод касаба союз комитети, депутатлар бор эди, турар-жой ҳақида аввал уларга мурожаат қилганингиз, кооперативга кирганингиз маъқул эди. Ушанда 1800 сўм эмас, 500 сўмга газли, канализацияли уч хоналик секцияга эга бўлардингиз. Майли, аризангизни қабул қиламиз. Шаҳар ижроия комитетининг ер комиссияси уйингизга бориб, бу масалани ўрганади. Қайта овора бўлиб ўтирмайсиз, ёзма жавоб юборамиз.

Ишчи очиқ кўнгил жавобдан кўнгли тоғдек кўтарилди. «Ленинча маслаҳат учун чуқур миннатдорчилик билдириб чиқиб кетди.

Хонага дружиначилар кириб келишди.

— Ўртоқ полковник, сизга айтадиган гапларимиз бор эди,— мурожаат қилишди улар А. Тошметовга.

— Марҳамат, ўтиринглар!

Завод дружиначилар штабининг бошлиғи ўртоқ Баранцев сўзлай бошлади.

— 11-цехда Ильин деган ишчи бор. Безори, хамманинг дилини сиёҳ қилади. Мана тўрт кундирки, ичиб уйида ётибди. Ишга чиқса яна тўполон жанжал бошлайди. Неча марталаб тартибга чақирсак ҳам бўлмаяпти. 12-цехдаги Анатолий Иванов ҳам жиноят устига жиноят қилмоқда.

— Буларга нисбатан шафқатсиз бўлиш керак. Ҳар қандай чора кўраверинг.

Милиция полковниги жиноятчиларнинг адреси, иш жойини ёзиб олди. Сўнгра корхонада тартибни сақлаш, безориларга қарши қандай кураш кераклиги ҳақида дружиначиларга кўрсатмалар берди.

Шу жума неча ўнлаб ишчиларнинг жумбоғи ҳал бўлди. Улар ташкилотларга бориб партия-совет ходимлари ҳузурига кириш учун овора бўлишмади. Раҳбарларнинг ўзлари ишчилар, оддий меҳнат аҳиллари ҳузурига ҳол сўраб келишди. Бу — масалаларни ленинчасига камтарлик, ишчанлик, соддалик билан ҳал қилишнинг кичик бир намунаси эмасми?

С. МУСАЕВ.

ЯХШИ ТАДБИР

Ўтган жумада «Ташсельмаш» заводида ишчилар билан учрашув бўлди. Учрашувга Куйбишев район партия комитетининг секретари Ҳўжаев, район ижроия комитети раисининг ўринбосари Мартиненко, район милиция бўлими бошлиғининг ўринбосари Литенецкий, район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Шатов, Ўрта Осиё халқ хўжалик кенгаши тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Тарановский ва бошқа ўртоқлар келишди.

Ўртоқ Тарановский ҳузурига ўнлаб ишчилар, инженер-техник ходимлар келишди. У Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалик машинасозлигининг ривожланиш истиқболлари ҳақида, «Ташсельмаш» заводининг келажаги, унинг коллективи олдида турган катта ва шарафли вазифалар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Сўнгра ишчи, инженер-техник ходимлардан Тихонов, Литт, Муравьев, Тўлаганов ўртоқларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

...Район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳўжаевга ишчилар жуда кўп масалалар юзасидан мурожаат қилишди. Корхона бош металлург бўлимининг инженери Маргарита Николаевна Богданова район раҳбар ташкилотларининг эътиборини жуда муҳим бир масалага жалб қилди.

— Бизда назоратсиз болалар ҳам учраб туради. Уларни тарбиялаш, ишга жойлаштириб қўйиш бўйича ишлар олиб борилаяпти. Бу жуда яхши, ҳайрли иш. Лекин бир нарсани таъкидламоқчи эдим. Ишга жойлаштиришга жойлаштириладию, лекин унинг бундан кейинги тақдири билан қизиқилмайди. Менингча уларнинг тақдиридан доимо хабардор бўлиб туриш керак. Бу ишга район партия, совет ташкилотлари бош-қош бўлишса кўнгилдагидек бўларди.

— Жуда яхши масалани кўтардингиз, — мамнун бўлиб жавоб берди ўртоқ Ҳўжаев. — Ҳақиқатан ҳам бу иш эътибордан четда қолган. Бундан кейин бу масалага аҳамият кучайтирилади.

Район партия, совет ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг корхонага келишлари ишчиларни жуда мамнун қилди.

ДАЛА ИШЛАРИ ИНДУСТРИАЛ ЙЎЛГА СОЛИНСИН

28 июнда Тошкентда «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. «Узсельхозтехника» бирлашмасининг раиси И. В. Бабков «Бирлашманинг 1962 йилги фаолияти якунлари ва 1963 йилги планни бажариш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда «Узсельхозтехника» ишчилари ва мутахассислари, республика колхозлари, совхозлари ва қишлоқ хўжалик органларининг ваниллари қатнашдилар.

Йиғилишда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

Кишилар, ер, техника. Мўлқўлчиликни ана шу уч нарса вужудга келтиради. Қишлоқда инженерлик хизмати яхши йўлга қўйилган тақдирдагина мана шу учта ишлаб чиқарувчи кучдан тўла фойдаланиш мумкин. «Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг ишчилари ва мутахассислари энг биринчи вазифани — қишлоқ хўжалигида техника тараққиётини амалга оширувчилар бўлиш, дала ишларини индустриал йўлга солиб юбориш вазифасини қандай бажараётганликлари ҳақида яқинда Узбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида бўлган партия-хўжалик активининг йиғилишида катта ва принципиал суҳбат бўлди.

«Узсельхозтехника» ходимлари йигирма икки минг кишилик армиясининг вакиллари ўз республика форумига биринчи марта тўпландилар. Улар ҳозир колхоз ва совхозларда авж олган меҳнат жасоратининг жўшқин пафасини Тошкентга ўзлари билан олиб келдилар. Улар етиштирган маҳсулот — тонна-тонналаб пахта ва маккажўхори силоси, пуд-пудлаб бўлиқ бошоқлар ва қўплаб пилла — бирлашма фаолиятининг асосий мезонидир.

«Узсельхозтехника» ишлаб чиқариш кўрсаткичларига назар ташласак, ташвишланиш учун унчалик сабаб ҳам йўқдек бўлиб кўринади, ўтган йили белгиланган топшириқлар республика бўйича ҳам, область бирлашмалари бўйича ҳам ошириб бажарилди. Ишлаб чиқариш ҳажми тўққиз процентдан зиёдроқ ошди, савдо-сотиқ йигирма процент кўпайди. Бу йил ҳам планлар анча ортиғи билан бажарилмоқда.

Бироқ, республика ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажаролмаганлиги учун бирлашма корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари ўз зиммаларига айб тўнкашлари керак эмасми? Ўзларини албатта айбдор деб билишлари керак! Йиғилишда доклад қилган республика бирлашмасининг раиси И. В. Бабков ҳам, активнинг бошқа қатнашчилари ҳам шу ҳақда гапирдилар. Ҳар бир нутқда янграган юксак талабчанлик, ўткир танқидий фикрлар КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларининг руҳидан, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашни тезроқ тугаллаш ҳақида ғамхўрлик қилиш туйғусидан келиб чиқди.

Энг муҳим камчиликлардан бири шуки, «Узсельхозтехника» корхоналарида қишлоқлардаги мавжуд машиналар ва механизмларнинг ярмидан сал кўпроғигина ремонт қилинмоқда. Шу нарса сир эмаски, колхоз устахоналарида бажарилаётган ремонт ишларининг техника даражаси одатда давлат корхоналарида бажарилганидан паст бўлади. Бирлашманинг ремонт базасини кенгайтира бориб ва мустаҳкамлаб, ремонтнинг прогрессив поток-узел методига ҳамда устахоналарнинг йил бўйи ишлашига ўтиш, корхоналарни тез суръатлар билан ихтисослаштириш керак, деб таъкидлади «Узсельхозтехника» Самарқанд область бирлашмасининг раиси А. М. Аракелов. Ҳозир республикада эллиқдан ортиқ заводлар ва устахоналар ихтисослаштирилди, бу эса, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларини кескин яхшилади. Бироқ, бу айрим областлар доирасидагина амалга оширилаётган яхши ишнинг бошланишигинадир. Колхозлар ва совхозларнинг бутун техникасини юқори сифатли капитал ремонт қилишни тўла таъминлашга эришиб, гарантияли мажбуриятларни дадиллик билан қабул қилиш керак, дейишди Қўйлиқ ремонт-механика заводи коммунистик меҳнат цехининг бошлиғи М. Я. Петров ва Самарқанд ремонт заводининг слесари А. К. Охотин.

Кўпгина хўжаликларда техника яхши сақланмаётганлиги, ундан малакасиз фойдаланилаётганлиги натижасида кўпинча барвақт ишдан чиқмоқда, унинг иш унуми пасайиб кетмоқда. Бундай аҳволни яхшилашнинг энг ишончли йўлларидан бири — Белоруссиянинг Копил ишлаб чиқариш бошқармасидаги механизаторлардан намуна олиб, колхозларга комплекс техника хизматига ўтишдан иборатдир. Фарғона областида 38 хўжалик, Андижон областида 30 хўжаликнинг техникасига ана шундай усулда хизмат кўрсатилмоқда. Шу туфайли, машина-трактор паркидан фойдаланиш харажатлари кескин даражада қисқарди. Бироқ, фойда тежаб қолинган маблағлардагина эмас. «Узсельхозтехника» Андижон область бирлашмасининг раиси Н. Д. Лапшин айтганидек, янгиликнинг афзалликларини оддий кўз билан ҳам кўриш мумкин: механизмлар доимо батамом тузук бўлиб, максимал нагрузка билан ишламоқдалар.

Узбекистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрининг биринчи ўринбосари П. М. Тимофеев, «Узсельхозтехника» Фарғона область бирлашмасининг раиси У. И. Исомхонов, «Янгиобод» совхозининг механик-ҳайдовчиси Светлана Бродан, Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхозининг раиси К. Синдаров ва бошқа нотиқларнинг сўзларида «Узсельхозтехника» пахта етиштиришни ҳар тарафлама механизациялаш тажрибасини ҳамма жойда жорий қилиш учун етарли куч-гайрат сарфламаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Кўпинча янги техникани жорий қилиш планлари нима учундир камайтириб белгиланади. Масалан, чорвачилик фермаларида кўп меҳнат талаб қиладиган операцияларни енгилаштириш соҳасида худди шундай қилинди.

Актив қатнашчилари колхоз ва совхозларнинг моддий-техника таъминотни яхшилашга, барча мавжуд ресурслардан рационалроқ фойдаланишга қаратилган конкрет таклифлар киритдилар.

«Узсельхозтехника» ишчилари ва мутахассисларининг етти йилликнинг бешинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, Узбекистоннинг 3 миллион 566 минг тонна пахтаси учун курашда янада активроқ иштирок этишига ёрдам берадиган чоралар белгиланди.

Йиғилишда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. М. Мусахонов, Узбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари И. М. Нажесткин, СССР Госстройи ҳузуридаги ирригация ва совхозлар қурилиши бўйича Ўрта Осиё Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари М. И. Кичанов иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ДИҚҚАТДА

Кеча Тошкент қишлоқ область партия комитетида область идеология ходимларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарда «КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми якунлари ва бизнинг идеология соҳасидаги вазифаларимиз» деган темада қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. А. Абдураззоқов доклад қилди.

Семинарда Узбекистон ССР Фанлар Академияси тарих институтининг старший илмий ходими ўртоқ В. И. Шафир «Халқаро аҳвол» тўғрисида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг старший ўқитувчиси ўртоқ Ф. Прудников «Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси тўғрисида» доклад қилдилар.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Коммунистик жамият қуриш иши кенг авж олиб кетган ҳозирги кунимизда замонавийлик адабиёт ва санъатнинг асосий шиорига айланди. Чунки кенг китобхонлар оммаси ҳам, юксак дидли томошабинларимиз ҳам, бир сўз билан айтганда халқимиз ўзининг коммунизм қуриш, муаззам етти йиллик режаларини амалга ошириш, партиямизнинг тарихий XXII съезди қарорларини оғишмай бажариш учун олиб бораётган кураши ва жонбозлигини ёрқин акс эттирувчи санъат асарларига чанқоқдир. Ҳар бир совет кишиси ўз замондоши билан ёнма-ён юргуси, меҳнат қилгуси келади, улардан ўрганишни, ўрнак олишни истайди. Шунинг учун ҳам халқимизнинг биз — санъаткорлардан талаби ниҳоятда каттадир. Эндиликда коммунистик партиямизнинг чексиз меҳрибонлигидан баҳраманд бўлиб улкан ишлар қилаётган, янгиликлар ижод этаётган совет кишилари саҳна орқали ҳар томонлама етук, соғлом, келажакни олдиндан кўра оладиган, юксак ақл-идроки, Ватан ва халқимиз олиб бораётган шарафли ишларида актив иштирок этувчи, садоқатли, кишиларнинг ғайратигағайрат қўшувчи ўткир реалистик образлар яратилишини талаб қилмоқда.

Биз — санъат аҳллари шу нуқтан-назардан қараганимизда бу талабга жавоб берарли даражада ишлаяпмизми? Ана шу савол бизни ўйлантириб қўймоқда. Бу борада, шубҳасиз қилинган ишлардан кўз юмиб бўлмайди, албатта. Лекин халқимиз талабини ҳисобга олиб қарасак ҳали биз улар олдида олам-олам қарздор эканлигимиз яққол сезилиб қолаяпти.

Санъаткорларнинг ижодий лабораторияси ҳисобланган Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрларини шу кунга қадар дунё классик драматургиясининг дурдона асарларини саҳналаштириб, шунингдек совет ҳамда ўзбек драматургларининг асарларини ўз саҳнасида намойиш қилиб, кенг томошабинлар оммасини шубҳасиз қувонтириб келган бўлса, эндиликда театр саҳнасининг тўрини замонавий темаларга бағишлаган асарлар эгаллаётганлиги қувонч устига қувонч бағишламоқда. Бироқ, театримиз бу соҳада ҳали қатор камчиликларга эга. Асосий камчилигимиз шундан иборатки, театр ижодий коллективи кўпгина ғоявий ва бадиий етук асарлар билан бир қаторда у ёки бу драматург томонидан тақдим этилган, бироқ ҳали пишиб етилмаган пьесаларни ҳам қабул қилиб олиб, саҳнага чиқариш учун тайёрлаяпти. Театр репертуари плани бўйича бир йилда 2-3 замонавий темада асар қўйиш кўрсатилади. Бироқ, папкада пьеса йўқ. Натижада директор ҳам, режиссёр ҳам, актёрлар коллективи ҳам ҳали пишиб етилмаган хом асарларни қўлга оладиларда, иш жараёнида уни қайта ишлаш, тўлдириш, қисқартириш билан овора бўладилар. Вақоланки, унинг орқасида қанча-қанча вақт бекорга кетади. Режиссёр ҳам, актёр ҳам ўз устида мустақил ишлаш ўрнига ўзгартирилган текстлар билан ўралашиб қоладилар, ўз ишига ижодий ёндошишдан маҳрум бўлиб қоладилар. Агар асар ёзувчи томонидан тайёр ҳолда олинса, бундай ортиқча оворагарчилик ўрнига театр ижодий коллективи шу асарга ўз ижодий ҳиссасини қўшар ва асар тўлақонли, ўзоқ вақт саҳнада умр кўрувчи бўлиб яратиларди.

Бизнинг санъатимиз халққа жуда яқин. Шу сабабли ҳам халқимиз санъатни севади. Тўғри, ҳаркандай мураккаб, тугал драматик асарга ҳам театрдаги иш жараёнида баъзи ўзгартиришлар киритилади. Лекин шундай авторлар ҳам борки, улар чидам ва қунт билан ишлашдан қочиб, шошқалоқликка йўл қўйиб, хом-хатала асарларни тезроқ театрга тақдим этишга ошиқадилар. Масалан, ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг «Юрандан юракка» номли асарининг тақдири ҳам худди шундай бўлди. Автор ҳам, коллективимиз ҳам асарни саҳнага қўйиш учун бирқанча муддат уриниб кўришди. Лекин ҳеч қандай натижа чиқмади. Асар халққа кўрсатилмай қолиб кетди.

Асарнинг темаси равшан бўлгани билан уни бадиий образлар воситаси орқали ҳал қилиш жуда катта санъаткорлик ва маҳорат талаб қилади. Улуг рус режиссёри К. С. Станиславскийнинг 100 йиллигига бағишланган конференцияда бир нотиқ асар яратилишини бола туғилиши билан таққослагани ҳали ёдимда. Бу жуда тўғри ўхшатиш. Асар яратилиши бола туғилиши билан баравар экан, уни тарбиялаб вояга етказиш ҳам катта ва мураккаб иш ҳисобланади. Бунинг учун эса қунт ва чидам билан шошмасдан меҳнат қилиш лозим. Ҳозирги вақтда томошабинларимизнинг диди ўткир, нозик табиатли, савияси баланд ва талабчан бўлиб кетганки, биз уларга тақдим этаётган ҳар бир асаримиз шу томошабинларимизни олга етаклаб бориши, тарбиялаши, ҳаёт ва меҳнатга муҳаббат уйғотиши, уларга руҳий ва маънавий озиқа бераолиш даражасини ўйлашимизга тўғри келади. Ахир турмуш воқеа ва ҳодисалари баъзи асарларимизда тасвирланаётганидан ҳам қизиқроқ, кўпқирраликроқ, мураккаброқ эканлиги сезилиб қолаётган бир пайтда биз уларни зўрлаб театр остонасига қадам бостиришимиз мумкинми? Бунга сира йўл қўйиб бўлмайди. Ана шунинг учун ҳам ўтган қисқа вақт ичида драматург Одил Ёқубовнинг «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим, айтмасам дилим қуяди», «Юрак ёнмоғи керак», «Олма гуллаганда» каби қатор саҳна асарларининг саҳнадан тушиб қолишининг асл сабаби ҳам худди шундадир.

Хуллас, саҳнамиз тўри замон темасига берилиши керак экан, ҳаёт замондошларимиз образини кўпроқ талқин этишга даъват этаётган экан, ана шу улуг даргоҳимиз — театр залимча оддий «томоша», «кўнгил очиш» учунгина эмас, балки том маъноси билан юксак ғояларимизни халққа етказувчи, совет кишиларини ҳар томонлама тарбиялашда, ҳали ҳам учраб турувчи айрим камчиликларни фош қилишда ўткир қуроллик вазифасини бажарсин, ҳаётимизнинг ҳаққоний кўзгусига айлансин. Эндиликда буни ҳаёт ва замон талаб қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида ана шу юксак талаблар ижодий ходимлар олдига биринчи даражали вазифа қилиб қўйилди.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ
Узбекистон ССР халқ артисти.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» Хатларимизга жавоблар

ҒИЁС ҚОРИ ҚИССАСИ

Совет халқи коммунизм моддий-техника базасини яратиш йўлида ғайрат-шижоат билан ишлаб, янгидан-янги марраларни эгалламоқда. Илғор корхона, колхоз ва совхозларда ҳалол меҳнатлари билан кўпчиликнинг ҳурмат ва иззатига сазовор бўлаётган олижаноб кишилар сон-саноқсиз. Минг афсуски, ана шу олижаноб кишиларнинг мардона курашга ҳиссса қўшмай, ўз шахсий манфаати йўлида виждонини сотаётган бир ҳовуч текин хўрлар ҳам бор. Улар кўпчилик меҳнати билан яратилган бойлик ҳисобига яшашга одагланиб қолганлар.

Газетамизнинг шу йил 27 январь сонида ана шундай шахслардан бири тўғрисида «Ғиёс қори киссаси» сарлавҳали мақола босилган эди. Унда Аллон маҳалласидаги Чиғатой кўчасида яшовчи Ғиёс қори Шахобиддиновнинг бебилиски пулга ишкивоз бўлиб, чайқовчилик, фирибгарлик билан бойлик орттириш йўлига ўтиб олганлиги фош этилган эди.

Шахобиддинов чайқовчилик билан бир неча бор қўлга тушган бўлса ҳам хийлакорлик билан қутилиб кетаберган. Шу сабабли маҳалладагилар унга «Шайтон қори» деб ном қўйишган. Ниҳоят унинг кора ниқоби йиртилди.

Шу мақолага область прокурори ўринбосарининг вазифасини вақтича бажарувчиси ўртоқ Б. Саноамян имзоси билан жавоб олдик. Унда айтилишича, Шахобиддинов устидан Калинин район прокурори жиноий иш қўзғаб, тергов ишлари олиб бораяпти. Демак, район прокурори бу шайтоннинг жиловини каттикроқ тортиб қўйса керак.

Редакция прокуратурадан бу тўғрида жавоб олиши билан тергов натижаларини газетхонларга хабар қилади.

„ОЧ КЎЗ“

Юқоридаги сарлавҳа билан редакцияга келган бир хатда, 3-«Боёвут» совхозидаги 10-магазин мудири Ҳ. Очилов харидорлар ҳақига хиёнат қилишни авжига чиқариб юбормоқда. Магазинга келган ун ва бошқа молларни уйига тушириб, устама нарх билан сотиб юборяпти. Бу аҳвол ишчилар ўртасида норозилик туғдирмоқда, дейилган эди.

Янгиер район милиция бўлимининг редакцияга хабар қилишича хатда кўрсатилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. Очилов устидан жиноий иш қўзғатилган.

Чиноз сельпосига қарашли автолавка сотувчиси ўртоқ Усмон Жамолов қишлоқ меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатишда барчага ўрнак бўлмоқда. Колхозчилар ва совхоз ишчилари ундан минатдор бўлмоқдалар. Суратда: ўртоқ У. Жамолов Собир Раҳимов номли колхоз даласида савдо қилмоқда.

А. Абалян фотоси.

Идеология ХАЁТ

КПСС Марказий Комитети пленуми қарорларини амалга оширамиз

Бири-бирига пайванд

Коммунистик қурилиш вазифалари олий мактабни турмушга, ишлаб чиқаришга яқинлаштиришни, мутахассислар тайёрлашнинг назарий савиясини фан ва техниканинг энг янги ютуқларига мувофиқ кучайтиришни талаб этади. Бунда, шуб ҳасиз студентларда коммунистик жамиятнинг янги кишисига хос маънавий қиёфани тарбиялаб вояга етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ғоявий-тарбиявий ишлар, деб таълим беради партия, ёшларга ижтимоий ҳодисаларни тўғри тушунишда ёрдам бериши, коммунистик ахлоқ принципларини кишининг чуқур шахсий эътиқодига айлантириши, буржуазия идеологияси, сиёсий чекланиш ва обиятеллик кўринишларга нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш керак. «Совет жамияти,— дейди ўртоқ Л. Ф. Ильичев партия Марказий Комитетининг июнь Пленумида қилган докладида, — келгусида тарбиячи бўлиб етишадиган кишиларни, халқ хўжалиги ва маданият соҳасида ишлайдиган юқори малакали мутахассисларни бундан бўён ҳам зўр эътибор ва ғамхўрлик билан тарбиялайди».

Ҳа, ўқув-тарбия ишлари бирбиригa жуда яқин. Шундай экан, ўқув-тарбия ҳамиша бирбири билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим. Шу сабабли В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ректорати ва партия комитети ўқув ишларининг талаблар даражасида бўлишига, уларни тарбиявий ишлар билан қўшиб олиб боришга катта аҳамият бермоқда.

Лекция машғулотларининг мазмунли ва таъсирчан бўлиши ўқув-тарбия ишларининг яхши йўлга қўйилишини таъминлайдиган муҳим омиллардан биридир. Шу сабабли ўқилаётган лекцияларнинг савиясини ошириш учун тинмай кураш олиб бораяпмиз. Бу ерда бир мисолни айтиб ўтиш кифоя. Аввалари лекция машғулотлари дуч келган ўқитувчига топшириб қўйилавериларди. Маълум бўлишича, асосий машғулотлар ёш ўқитувчилар томонидан олиб борилар экан. Бу машғулотлар савиясига маълум даражада салбий таъсир кўрсатди. Бу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида профессор-ўқитувчиларга юклатилган иш тақсимоти қайта кўриб чиқилди. Чунки, айрим тажрибали олимлар фақат илмий ишлар билан банд бўлиб, лекция машғулотлари олиб боришмас эди. Шундан сўнг студентлар билан ишлаш университетнинг олимларга зиммасига ҳам юклатилди.

Университет миқёсида қизиқарли темаларга бағишланиб диспутлар ўтказиб туриш одат тусига кириб қолди. Студентларнинг ўқишдан ташқари вақтлари ҳамишма мазмунли ўтмоқда. Улар назарий семинарларга қатнашадилар, маданий ва оммавий ишлар билан шуғулландилар. Студентларнинг умумий ётоқхонаси ҳам тарбия ўчоғига айланиб қолган.

Олий ўқув юртимизнинг ижтимоий фанлари кафедралари ташаббуси билан ўтган ўқув йилида студентлардан 300 дан ортиқ пропагандист тайёрланди. Шулардан 50 киши илмий атеистик пропаганда билан шуғулланмоқда. Шунингдек, тарих факультетида атеистлар клуби ташкил қилинди. Клубга студентларнинг ўзлари бошчилик қилишмоқда.

Ҳозир университетда илмий ва сиёсий билимлар тарқатувчи жамият группалари ишлаб турибди. Уларга 291 профессор-ўқитувчи аъзодир. Жамият аъзолари студентлар билан ишлашга алоҳида аҳамият беришмоқда.

Бундан икки йил муқаддам олий ўқув юртида халқ университети иш бошлаган эди. Унга ҳозир 200 дан ортиқ студент аъзодир. Университет машғулотининг кўпи тарбиявий темаларга бағишлаб ўтказиляпти. Доцент С. Нарзуллаева бошлиқ «Қизлар клуби»нинг фаолияти жуда ҳам жонланиб кетган. Студент қизлар коммунизм кишисининг ахлоқ кодекси принциплари бўйича кўпгина кечалар ўтказишди.

Матбуот, жумладан деворий газеталарнинг ёшларни тарбиялашдаги роли жуда катта. Университетимизда кўп йилларидан бери «Утюг» сатирик деворий газетаси чиқиб турибди. Бироқ, кейинги пайтларда деворий газета редколлегияси ўз фаолиятини бўшаштириб юборган эди. Бу ҳол партия ташкилотини ташвишга солмай қўймади. Партия йиғилишларидан бирида деворий газета редакторининг ҳисоботи тингланди. Йиғилишда қатор тадбирлар белгиланди. Шундан сўнг «Утюг»яна студентларнинг жанговар газетасига айланиб қолди.

Ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб боришнинг ўзи бир санъат. У кишига завқ беради. Шунинг учун ҳам бу соҳада тадбиркорлик билан иш олиб бориш лозим. Университет партия комитети ёшлар тарбияси соҳасида қатор тадбирларни амалга оширади. Тарбиянинг янги формаларидан кенг фойдаланилади. Ғоявий байроғимизни тағин ҳам баланд кўтарган КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми тарбиявий ишларни жонлантиришнинг конкрет йўл-йўриқларини белгилаб берди. Пленум материаллари биз учун муҳим дастур бўлиб қолади.

Ш. УРАЗАЕВ
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети партия комитетининг секретари.

ДУТОР *ҳикоя*

1.

Жим. Бирдан дутор чалянти...

Ҳар гал дутор овозини эшитганимда юрагимни алла нарса қўйдиргандай бўлади, кимдир рўпарамга ўтириб олиб севги ҳақида ҳикоя айтаётгандай туюлади. Беихтиёр бир воқеа эсимга келади.

Чамаси уч-тўрт йил илгари қузак пайтларда Етти булоқ-қа борган эдим. Ҳосил тўйи куни колхозда концерт бўлди.

Таллақош таққан, рўмолини яримта қилиб танғиган, пушти қўйлакли Наимахон деган дуторчи қиз даврага чиққанида анчадан бери гурунглашиб ўтирган одамлар жимиб қолишди.

Тор қорлари киши билмас эриб бирдан тошқинга айлангандек, мулойимгина бошланган қўшиқ шиддат билан авжга чиқди-да, ҳаммани элитиб қўйди.

Олис ўтмишдан ўтиб шу кунларгача етиб келган севги ҳақидаги қўшиқни қишлоқда ҳамма билса керак. Йигитлар қизларга ўз дардларини тил билан айтаолмаганларида, қизнинг кўчасидан қанча-қанча қалбларни бир-бирига улаган севги ҳақидаги қўшиқни айтиб ўтишаркан.

Ростини айтсам, ҳали бунақанги хушхон ашулачини учратмагандим. Оддий бир дуторни тилга киритаётган Наимахоннинг санъати мени ҳайратга солиб қўйган эди.

Енимда ёши ўтинқираган аёл ўтирувди. Бир маҳал унинг хўрсиганини эшитиб қолдим. Ҳайрон бўлиб сўрадим:

— Сизга нима бўлди?

— Ҳеч нарса. Бир гап эсимга тушиб кетди-да, укам, — деди аёл паст овозда. Кейин, хижолат бўлгандай илжайиб қиради.

Концерт тугади. Колхоз боғига чиқдик. Одамлар ҳовуз лабидаги сўриларни тўлдиришди.

Бир устоз бир маҳал менга: «Езувчи бўламан десанг, одамларни ўрган, дардини бил дега[illegible] Ҳеш гап эсимга тушди-ю, аёлнинг юрагини титратг[illegible] билгим келиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб уни қидирди[illegible] анча нарида поғза каллакланган толга суяни[illegible]лди. Олдига бордим.

2.

Девор тагидан пирр этиб синчалак учди. Нимадир «тирс» этди: қизил уруг қовун дум берди шекилли. Ҳовузга бир нарса «чўлп» этиб тушди. Олма узилибди. Аёлнинг хаёли бўлиниб менга қаради.

Минг хижолат билан, ўша воқеани айтиб беришини сўрадим. У аввал нима дейишини билмай, олма тушиб сув юзида ясаган ҳалқанинг титраб-титраб сўнгунича қараб турди-да, «хай майли» дегандек, бош силкаб қўйди.

— Ҳалқ Наимахон чалган дутор меники эди. Ҳали бу дутор қўлдан-қўлга ўтиб унинг етти пуштига етади. Асли бу дуторни раҳматли Қурбон акангиз чалардилар. Мени ҳам дуторга ўша киши ўргатганлар.

Айтгандай, Қурбон акани биринчи марта томга баргак ёпаётганимда кўрганман. Қарасам, узоқдан қўқон арава келяпти. Арава бўғот тагига келганда аравакашга қарадим. У отни жиловидан тортиб бироз менга қараб турди-да, кейин қучининг борича отга қамчи босди. От ўйғалаб кетди. Йигитнинг бу қилғига ҳайрон бўлиб қараб қолдим. У кетгандан кейин нимагадир баданимни чумоли чаққандай бўлаверди. Шу-шу бўлди-ю, ҳалиги аравакаш йигит кечалари эшигимиз олдидан ғалати қўшиқ айтиб ўтадиган бўлиб қолди.

Янги ой чиққан кеча қайрилма қош ёдга тушар,
Тошга қўйганда бошимни, бағри тош ёдга тушар,
Бағри тош, қайрилма қош бизга насиб қилғаймикан,
Ёки қаддим қошидек ҳажрида қайрилғаймикан?...

Шу-шу бўлди-ю, у ашула айтиб ўтишини қўймади, мен бўлсам ухлолмай супада ашула тинглашни қўймадим. Шу зайлда ашула билан дардлашиб, неча ойларни ўтказиворадик.

Қурбон акангиз билан вақти-соати келиб келинтушар кечаси танишганман. Эрга тегаётган Гулсум деган ўртоғим-у, ёма-тасма, ясан-тусанни биз қилдик. Гулсумни қуёвникига кузатиб келганимизда ҳовли ўртасидаги тутнинг тагига гулхан ёқилганди. Устларига палак ёпилган бир неча аёл келиннинг қадам олишига қараб юрайми-юрмайми деб гулханга яқинлашди. Чилдирмалар гумбирлади. Рақкоса қиз гулхан атрофида капалакдай ўйнаб кетди. Дутор чалинди. Одамни сел қиладиган қўшиқ бошланди.

Бу қўшиқни ўша Қурбонжон айтарди. Уни кўргим келиб палак тагидан чиқмоқчи бўлиб типирчилардим. Қизлар этагимдан тортиб қолишди. То тўй тарқалгунча ҳам Қурбонжонга яқин келолмадим.

3.

Уйга боғ қўчадан ёлғиз кетдим. Қурбон ҳақида ўйлмай-ўйлакай ўйлаб борардим.

Беҳосдан бошимдаги рўмолим жийда шохига илиниб, осилиб қолди. Ўнг қулоғим ари чаққандек «ғиз» этиб кетди. Ушласам, зирагим йўқ. Вужудимдан муз чиқиб кетди. Зирак Нафисаники эди. Кейин орқамга қайтиб қоронғуда кўршапалакдай барглар орасидан зиракни қидира бошладим. Арзон матоҳ бўлса ҳам ғўрғайди. Топиб бўлармиди... Бир вақт ойнинг ёруғида узун соя кўринди. Эсим чиқиб кетди. Кўрққанимдан тилим айланмай қолди.

Соя борган сари яқинлашарди.

— Қўрқманг, мен Қурбонман, — дегандай бўлди ҳалиги соя.

Тепамда дуторини қўлтиқлаб Қурбон турарди.

— Вой,— деб қўлларим билан юзимни беркитдим.

— Меҳрихон, — деди у қалтироқ овоз билан. Этим жимиллаб кетди. Беихтиёр қўлимни юзимдан олдим.

— Отимни сизга ким айтди?

— Ҳамма биладику, нега мен билмай?!

Икковимиз ҳам жимиб қолдик.

— Нима қилиб ер тимскилаяпсиз? — деди Қурбон.

Айтдим. Икковлашиб гугурт чақиб зиракни қидира бошладик. Қидира-қидира қўлларимиз тупроқ бўлиб кетди. Топилмади. Жийдага илинган рўмолни Қурбонжон олиб, авайлаб бошимга солаётган эди, негадир яна олиб қўйди. Кейин:

— Суюнчи беринг,— дея юзини юзимга яқин олиб келди.

— Топилдими?

Қурбон илжайиб боши силкиди.

— Вой! — деб юборибман севинганимдан.

Қурбон зиракни кафтимга қўйганида қўлимдан ўт чиққандай бўлди. Нима дейишимни билмай:

— Дуторни яхши чалар экансиз, — дебман.

— Ий-е, шунчаки ишқивозликка, холос. Касбим бошқаку! Дуторнинг не-не усталари борки, гапиртириб юборади.

Назаримда ҳеч ким Қурбончалик дутор чалолмасди.

— Йўқ, дутор чиқарганнинг ўзи ҳам сизчалик чалолмайди, — дедим.

— Унчалик эмас, Меҳрихон. Дарвоқе, дуторни ким ясаган, биласизми?

Елкамни қисдим. Қурбон сўз бошлади:

4.

Қадим замонларда бир йигит ўтган экан. У бир қизни шунчалик яхши кўрар эканки, асти қўяверинг. Лекин дилидагисини тилига чиқаролмас экан. Ўшанда дуторни ўйлаб топипти. Қиз ҳам узун сочидан икки толасини узиб дуторга тор қилган экан! Ўшандан бери дутор одамлар ўртасидаги муҳаббатни қўйлармиш.

Бу афсона менга ростдек туюларди.

Қурбон ёнимда оқсоқланиб борарди. Юрагим темирчининг боскончидек гурсиллаб урарди. «Ҳар тўқисда бир айб экан-да. Шундоқ йигит оқсоқ-а», деган фикр миямдан ўтди. Зимдан қараб бораётганимни сезди шекилли, босиқ овоз билан гапирди:

— Меҳрихон... оёғим Сибирда лат еган, — у чуқур хўрсинди. Мендан ўпкалангандай қип-қизариб кетди. — Қарагай қирқаётганда устимга дарахт оғанаган. Ўша ерларда ҳам дуторни қўлдан қўймаганман.

Уйга яқинлашганда хайрлашдик.

Кейин Қурбон акани анчагача кўрганим йўқ. Марказга кетган экан. Бу орада бир йигитдан совчи чиқиб, остонамизда ўтириб олди.

Шуларни ўйлаганимда, юрагим увишиб кетарди. Кўз олдимдан Қурбон аканинг биринчи марта мени кўрганида қорача юзи ёришгандай бўлиб, қуюқ қошларини сал чимириб жилмайиб турриши кетмасди.

Бир куни уйимизга Қурбон келди. Даҳлиздан ўтиб кетаётганида менга шундай қараш қилдики, ўзимни гунҳкордек ҳис қилдим. Совчиларнинг келиб-кетишидан хабардор бўлса керак-да. Дадамлар этикни шонга тортиш билан овора бўлиб турганларида, мени холи топиб, нимадандир хавотирланиб гап бошлади. Унинг сўзларини даҳлизда иш билан алахсаётган киши бўлиб эшитардим.

— Меҳрихон, нима бўлса ҳам ўқишингиз керак эди-да.

— Ким ўқитарди? Ўлганнинг устига кўмган қилиб эшигимиздан одам аримайди.

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

ЙЎЛАКДАГИ „МУҲАББАТ“

ФЕЛЬЕТОН

Кунлардан бир куни Абу Али ибн Сино кўчасидаги 1-номерли уй эгаси бундоқ қараса, йўлакда сарвиқомат бир жувон жилва қилиб турибди. Холиқов уни кўрди-ю, тушимми ё ўнгимми деб икки хатлаб ҳузуридан чиқди:

— Келинг, хоним.

— Ҳа, яхши ният билан уй қидириб юрувдим,— деди аёл силкиниб.

— Исми шарифлари?

— Мунаввархон.

— Оҳ, исмлари ҳам ўзларига... Қани-қани буёққа.

Munaввархон ҳовлига киргач ҳаваси келди: «ана уй-у, мана уй».

— Кимингиз бўлалла?— сўради, ўчоқ бошида куйманиб юрган Маъпиратхон томон қош учириб.

— Орада фарзанд йўқ, хоним. Шу хусусда кўп аччиқ-чучук бўлиб турамиз. Билмадим, буёғи қанақа бўларкин.

Бу гапни эшитган Munaввархоннинг «яхши нияти» дарров бузилди. У бир имо билан суҳбатни йўлакка кўчирди.

— Кўнгли очиқ, содда йигит экансиз, мен ҳам эрдан куйганман. Сиздек эркакларнинг садағаси кетсанг...

— Мени айтмайсизми, биринчи кўришдаёқ юрагим «жиз» этиб кетди, энди асирингизман.

— Меҳригиёли йигит экансиз, ўзингизга ром қилиб қўйдингиз-а,— Munaввархон ясама табассум билан ерга тикилди.

— Ҳаётимни тикдим йўлингизга!— суюлиб кетган ошиқнинг ҳам тантилиги тутиб кетди.

Шундай қилиб, Munaввархон «Зулайхо-ю», Холиқов «Юсуф» бўлди-қолди...

Энди буёғини эшитинг, йўлакдаги ишқори муҳаббат ғовлаб кетиб, қизиқ ҳангомалар бошланди...

1962 йил 12 апрель куни қариб қуйилмаган, кўкси галвир ошиқ «қуёв» билан зукко «келин» гул даста ушлаб ЗАГС остонасида пайдо бўлишди. Шу ерда яна бир карра аҳду-паймон бўлиб ўтди. ЗАГС дан бояги танноз Азимжонова янги (йўлакли) уйга Холиқова бўлиб қайтди. Эртаси паспортини алмаштириб, Маъпиратхони шиддат билан чақирди.

— Мана, кўряпсанми, менинг фамилиям Ҳоликова, «законний» хотини мен бўламан. Энди ашқолдошқолигни йиғиштир-да, туёғингни шиқиллат! Ҳа, айтгандай отангникидан олиб келганингни ол. Эримникига қўл тегиза кўрма, нақ...,—мушт кўрсатиб, ясама дўқ урди.

— Вой ўлмасам, нима деяпсиз Munaввархон? Бу уйга ота ҳовлимни сотиб, маблағ берганман, ишлаб пул қўшганман, 15 йиллик хотин бўлсам...

— Жувон ўлгур, мени ким деб ўйлаяпсан ўзим, секретий частда ишлайман-а! Уй законнийники, қани жўнаҳ, жўна!— Маъпиратнинг ёқасидан ушлаб кўчага судради...

Тулкининг ёгини ялаган Munaввархон ҳовлини ўз номига ўтказиб олиш режаларини туза бошлади. Гуноҳсиз Маъпиратхон бошига кутилмаган кулфат тошлари ёғдирилди.

Воқеага жамоатчилик аралашди, маҳалла аҳли, хотин-қизлар советининг воситаси билан участканинг ярми Маъпиратга бўлиб берилди. Ана энди Munaввархоннинг қора юрагида моғор босиб ётган нопок нияти «менга эр эмас, жой керак» хиргойисида ошкора бўлди.

— Участканинг ярмини нега бегонага бўлиб бердинг гўрсўхта?—Кутилмаганда қилинган бу даг-дага Ҳолиқовни эсанкиратиб қўйди.

— Қонун шуни талаб қилгандан кейин...

— Овозингни ўчир, йигит ўлгур!— «Парий» кекирдагини чўзиб эрининг ёқасига чанг солди. Илк учрашгандаги ипакдек мулойимликдан асар ҳам қолмади.

— Ана холос!— Холиқов жувалдизга ўтириб олгандай сакраб тушди. Худди эртаси куни «дод ўлдим, Қодир ака ёрдамга» деган овоз эшитилди. Тумонат одам йиғилди. Ҳовлида Холиқов мақталган қадди-қоматли норгул жувон қўлида каптардек питирлаб ётибди. Munaввархоним уни бургутдек чангалига олиб ейман деб турибди.

Бечора ошиқ! Қўл кўтариш у ёқда турсин, ҳатто ўзини муҳофаза қилишга ҳам юраги дов бермасди. Бу-ку майли-я, Munaввархоним тўппа-тўғри милисия ёгурди:

— Дод! Эрим ўлдирмоқчи эди, қочиб келдим!

Дайди ишқ лаззатидан «маст-аласт» Ҳолиқов милиция бўлимига келтирилди. Гувоҳлар чақирилди, тергов бошланди. Туҳмат! Қўйингчи, Ҳолиқов шу йилнинг ўзида Октябрь район милиция бўлимига келиб, 13 марта сўроқ бериб кетди. Қани энди хоним тушмагур шу билан тинчиб қўяқолса, йўқ. Ҳовлига эга бўлиш иштиёқи уни жирканч ниятларга ошно қилиб қўйди.

У, тунда тўқилган тухмат билан милиция бошқармасига, эртасига Ўзбекистон ССР жамоат тартибини сақлаш министрлигига, индинига яна аллақандай идораларга бош суқади. Ҳар куни шу аҳвол. Ишхонасига бир кўриниш беради-ю, қуён бўлади. (36-мактабда кутубхоначи бўлиб ишлайди). Шу зайлда кечгача идорама-идора изғигани-изғиган. Уни кирмаган ташкилоти-ю, кўрмаган идора раҳбари қолмади. У билан гаплашиб қолсангиз, нафасидан фақат туҳмат ва ғиғонинг иси анқийди, холос. Шу туфайли жуда кўп ташкилот-идоралар қанчадан-канча вақтни бекорга сарфлади.

Энди қиссамизнинг Зулайҳоси билан тузукроқ танишинг. Ҳолиқова унча-мунча юридик маълумотга эга. У 1952 йил ишончини йўқотгани туфайли милиция органларидан ковуши тўғриланган. То шу йил февралигача жамиятга сариқ чақалик наф келтирмай санқиб юрди. У ишламай турли хил йўллар билан текин бойлик орттириш касалига мубтало бўлиб қолган.

Munaввархон ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида унинг ота маҳалласига бордик. У ерда ҳам кўпчиликнинг дили оғриган. Ачинарлиги отасининг дили вайрон. «Бундай қизим йўқ. Номини тилга олишга ҳазар қиламан. У ота безори, она безори, ноқобил фарзанд!»— деб кўз ёши қилади ота.

— Мунаввархон кимлар билан яшаган?— сўраймиз маҳалла активларидан.

— Ҳисобини олганимиз йўқ,— дейди улар,— аммо у теккан эрларнинг аҳволига вой, ё қочиб қутилади, ё...

Фрунзе райпишчеторгига қарашли 11-магазининг собиқ сотувчиси Ҳолиқов ҳам шу кунларда боши гангиб қаёққа боришини билмай, холироқ сичқоннинг ининги қидириб юрибди. Бу, биринчи хотинидан 4 яшар етим қолган Раъногa меҳрибон она бўлиб келаётган вафодор хотин Маъпиратга қилинган «илтифот»нинг мукофоти эмасмикан? 15 йиллик тотув турмушни 5 кунлик саёқ ишқ деб оёқ ости қилган шахснинг хулқига бундан бошқача баҳо беролмаймиз-у, лекин ўзгалар бахтига чанг солиб, бировнинг турмушини бузаётган Мунаввархоннинг беъмани жанжали, туҳмати туфайли кишиларнинг беҳудага сарфланаётган қимматли вақтларига, маҳалла аҳолисининг тинчлиги бузилаётганига ачинамиз, холос.

Мунаввархоннинг ҳали-бери тинчийдиган сиёқи йўқ. Шунинг учун меҳнатсевар, ор-номусли хотин-қизларимизнинг шаънига доғ тушираётган бу аёлнинг қилмишларига яраша қатъий ҳукм чиқаришни маҳалла аҳлининг ўзига ҳавола қиламиз.

М. ИБРОҲИМОВ.

1-Оқлон маҳалласи.

Янги китоблар

Ўзбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди.

Одил ЕҚУБОВ. Муқаддас, Тилла узук. Повесть. 192 бет, тиражи 45.000, баҳоси 31 тийин.

Берди КЕРБОБОЕВ. Небитдаг. Роман. Туркманчадан Фаттоҳ Абдуллаев таржимаси. 456 бет, тиражи 15.000, баҳоси 89 тийин.

Оқилжон ҲУСАНОВ. Қўшиқчининг тақдири. Ҳикоялар. 72 бет, тиражи 15.000, баҳоси 9 тийин.

Г. РОСТИСЛАВ. Верю в тебя, человек. Шеърлар. 96 бет, тиражи 3.000, баҳоси 17 тийин.

Борис БОКСЕР. Самарқандские прелюдии. 96 бет, тиражи 15.000, баҳоси 24 тийин.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди.

Саттор ҚАЮМОВ. Хоразмнинг ёрқин машъали. 28 бет, тиражи 16.400, баҳоси 6 тийин.

И. Ф. УЛЬЯНОВ. Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш — совет гражданининг юксак ва шарафли бурчи. 40 бет, тиражи 15.900, баҳоси 6 тийин.

Туркман нефтчилари шаҳри Красноводскда қурилиш ишлари кенг нўламда олиб борилаяпти. Етти йил давомида бу ерда 150 минг квадрат метр уй-жой сатҳи фойдаланишга топширилади. Суратда: шаҳарнинг В. И. Ленин номли проспектида янги уйлар қурилиши.

М. Редькин фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ОММАВИЙ ЖУРНАЛ

Марказий ойлик оммавий ишлаб-чиқариш журнали «Служба быта» («Маиший хизмат»)нинг биринчи сони чиқди. У июнь ойидан бошлаб Москвада РСФСР Министрлар Совети ҳузуридаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш Бош бошқармаси ва маҳаллий саноат ҳамда коммунал хўжалик ишчилари касаба союзи Марказий Комитети томонидан нашр этилмоқда.

Журнал кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган бўлиб, унинг саҳифаларида маиший хизмат корхоналари ва ташкилотларининг илғор тажрибаси пропаганда қилинади, маиший хизмат ходимларини коммунистик онглилик руҳида тарбиялашга чақирувчи материаллар босилади, ҳар хил хизмат турлари ҳақида хабарлар бериб борилади, халқ демократияси мамлакатларидаги маиший хизмат практикаси ёритилади.

Журнал кийимлар, пойафзаллар, бош кийимларининг сўнгги моделлари билан, ҳозирги замон совет ва чет эл причёскалари билан таништиради, маиший хизматнинг турли соҳаларида ишловчи мутахассисларга ёрдам сифатида консультациялар бериб боради.

Ўқувчилар бу иллюстрацияли журналда ҳикоялар, очерклар, фельетонлар ўқишлари мумкин.

«Служба быта» журналига хоҳлаган ойдан бошлаб истаганча обуна қабул қилинади. Журналнинг 1 сони 25 тийин.

„СУЗИБ ЮРУВЧИ ТОБУТ“

ОКЕАН ҚАЪРИНИНГ ФОТОСУРАТЛАРИ* «ПИЧАН ҒАРАМИГА ТУШИБ ҚОЛГАН ИГНА»* «ТРИЕСТ» БАТИСКАФИ ШУНҒИШГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

Яқинда Америкаликнинг «Юнайтед Пресс Интернейшнл» агентлиги мухбири берган шов-шув хабар бутун дунё матбуотига тарқалди. «АҚШ Атлантик флотининг штаби,— дейилган эди мухбирнинг телеграммасида,— Ламонт геологик обсерваторияси «Конрад» илмий кемаси «Трешер» ускуналарини океан қаърида суратга олишга муваффақ бўлди, деб хабар берди. Бу илмий кема жуда кўп кемалар қатори 1,5 олдин ортиқроқ вақтдан буён Атлантик океанида «Трешер» атом сув ости кемасини ахтармоқда. «Трешер» очиқ денгизда 10 апрель куни эрталаб тўсатдан чўкиб кетган эди. Ламонт обсерваторияси директорининг ёрдамчиси доктор Ламар Ворзель айтдики, бу суратларда жанговар ҳужрани, ён томондаги ва горизонтал рулларни, кўприкча тўсиғини аниқлаш мумкин».

Бироқ бу шов-шув хабарнинг умри қиска чиқиб қолди. 2 июндаёқ АҚШ Ҳарбий-денгиз флоти қўмондонлиги сув ости фотокамералари орқали олинган суратларнинг чуқур анализ қилиниши натижасида доктор Ламар Ворзельнинг фикри тасдиқланмади, деб эълон қилди. Ламонт обсерваторияси илмий ходимлари «Трешер» кўприкчасининг тўсиғи деб ўйлаган нарсалар... фотоаппарат чўки бўлиб чиқди. Фотоаппарат 2500 метр чуқурликдаги сувга туширилган эди. Фалокатга учраган сувости кемасининг сири ҳали ҳам муаммо бўлиб турибди...

Америкаликлар «Трешер» қолдиқларини топиб олишлари мумкин, деб ҳозир ҳеч ким қатъий айтолмаса керак,— деди СССР Фанлар академияси океанология институти директорининг ўринбосари, геология-минерология фанлари доктори Пантелеймон Безруков АПН мухбирига. Чўкиб кетган кема океаннинг анча чуқур жойида ётибди. Уни қум ёки лой кўмиб юборишн мумкин. Энг янги гидроакустик ва оптик приборлар билан жиҳозланган 20 та махсус кема, шу жумладан «Торо», «Сивулф» ва «Томас Жефферсон» шу кунларда Атлантик океани Кейп-Кот бурнининг шарқ томонидаги катта районда изғиб юрибди. Бу районда океан қаъри рельефининг тўлиқ картаси тузиб чиқилди, минглаб фотосуратлар олинди, лекин уларнинг ҳеч бирида сувости кемасининг тасвири йўқ.

— Сувостида аниқ фотосуратлар олиш мушкулми?

— Йўқ, кейинги вақтларда бу масала мушкул бўлмай қолди. Бундан бир неча йил муқаддам бизнинг «Витязь» илмий кемамиз Тинч океан қаърида 9 минг метр чуқурликда жуда яхши суратлар олди. Ҳозирги замон сувости аппаратлари эса 11 минг метр чуқурликдаги океан қаърини ҳам суратга олиш имконини беради! Аммо сувости фотокамераларининг «кўриш доираси» ҳозирча жуда тор. Шунинг учун чўкиб кетган кеманинг ускуналари кадрдан ташқарида қолиб кетиши мумкин —чунки сувостида «кўр-кўрона» суратга олинади. Шу сабабли ҳам АҚШ Ҳарбий-денгиз кучлари офицерларидан бири мухбирларга «Трешер»ни ахтариш «пичан ғарами ичидаги игна»ни қидиришни эслатади, деб айтди.

— «Трешер» ҳалокатга учрагандан икки кун кейин чет эл матбуоти «Атланта П» океанография илмий кемасидан 1,5 милл чуқурликка — океаннинг энг тубига кабелда телевизион установка туширишмўлжалланмокда, деб хабар берди. Бу хусусда нима дейиш мумкин?

— Биринчи марта сувости телекамераси америкаликлар томонидан 1947 йилда синаб кўрилган эди. У вақтда америкаликлар Бикини маржон оролларининг районда атом бомбасини портлатган эдилар. Ўшанда телевидение портлаш тўлқини ва радиоактив элементларнинг океан қаъри ва фаунасига таъсирини ўрганишга ёрдам берган эди. Камера оптикасини бошқариш олисдан турибо — сувости кемаси палубасидан амалга оширилган эди. Сувостида кузатиш масофаси 5—6 метрдан ортиқ бўлмаган эди.

1951 йил ёзида сувости телекамерасидан инглиз сувости кемаси «Эффрей»ни ахтаришда муваффақиятли суратда фойдаланилган эди. Кема Ла-Манш-да ҳарбий-денгиз маневрлари вақтида чўкиб кетган эди.

Бу фактлар, албатта, америкаликларга маълум умид бағлайди. Сувости телевизион камераси ҳақиқатда, фотоаппаратларга қараганда анча устунликка эга. Лекин ҳозир америкаликлар олдида турган масала бир вақтлар англияликлар «Эффрей»ни ахтаргандагига қараганда мураккаброқдир. Чунки «Трешер» сув ости кемаси 2,5 километр чуқурликда ётибди. Бундай чуқурликдаги кабель орқали аниқ кўринадиган тасвирли сигналлар юбориш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлмайди. Бундай сигналлар кўпинча телевизор экранига етиб келмасданоқ «ўчиб қолади». «Атланта П» даги чуқур сувости телевизион камераси муваффақиятли ишламаётганга ўхшайди: Америка матбуотининг хабарларига қараганда «Трешер»ни қидириш ҳозирча фақат сувости фотографияси орқали олиб борилмоқда.

«Триест» батискафи ҳали ҳам кўрфазда турибди. Батискаф фалокат юз берган районга қачон шўнғир экан, деган масала кўпларни қизиқтирмоқда.

— Айтайлик, америкаликлар океан қаърида «Трешер» ускуналарини топиб олишлари мумкин. Уларни юзага кўтариб олиб чиқишнинг уддасидан чиқаолармиканлар?

Сув остида олиб борилган ишлар тарихида чўкиб кетган кемани шундай чуқурликдан кўтариб олиш мумкин бўлган эмас. Бироқ америкаликлар шундай бўлса ҳам «Триест» батискафи ёрдамида ҳалок бўлган кеманинг айрим ускуналарини кўтариб чиқишга ҳаракат қилиб кўрсалар керак.

«Трешер»нинг тасодифий фалокати сирини билиш учун Пентагон ҳар қандай йўлни тутишга тайёр. Чунки бу сувости кемаси «дунёда энг тезюрадиган, энг чуқурликда ҳаракат қиладиган ва энг маневрчан атом сувости кемаси» деб шов-шув қилинган эди-да! Америка адмираллари «яширин ядро зарбаси» стратегиясини ишлаб чиқаётганларида худди мана шундай сувости кемаларига ишонган эдилар. «Трешер»нинг фожиали халокати бу стратегияга жиддий зарба берди.

...31 майда Брансуик аэродромидан самолёт кўтарилди. У аэродром устида бир айланиб, очиқ денгизга йўл олди. АҚШ Ҳарбий денгиз кучлари офицерлари билан бирга самолёт бортида Мэн штатининг губернатори Жон Рид бор эди. Самолёт «Трешер» сув ости кемасининг халок бўлган экипажини зиёрат қилиш учун Атлантик океанига учган эди. Самолёт «Трешер» ўзининг сўнгги радиограммасини берган жой устидан учиб бораётганда штат губернатори мотам лекталари билан ўралган иккита гулчамбарни денгизга ташлади.

Бу гулчамбарлар, албатта, халок бўлган денгизчилар оиласининг кўнглини тинчита олмасди. Гапнинг сирасини айтганда, Пентагоннинг ўзи сувости кемасини аниқ фалокатга жўнатган эди. Ҳарбий-денгиз кучлари қўмондонлиги «Трешер»нинг чуқурликларни забт этиш йўлидаги уринишни қимматга тушишини биларди. Сувости кемаси бу ишга сира тайёр эмас эди. Пентагоннинг мақтаниб айтган сўзларига қарамай, экипажнинг бу кемани «сузиб юрувчи тобут» деб атагани бечиз эмас.

Денгизчилар ҳақ бўлиб чиқишди. «Трешер» Пентагон буйруғини бажараётган вақтида унинг бортида 129 киши бор эди. Уларнинг ҳаммаси океан қаърида ўлим топди. Уларнинг ҳалокати сири ҳозирча фақат денгизга аён.

Юрий КАРЖАВИН.

КУЙБИШЕВ ОБЛАСТИ. Поволжьедаги давлат машина синаш зонал станциясида янги қишлоқ хўжалик машиналари синовдан ўтмоқда. **СУРАТДА:** 6 тоннагача оғирликдаги УТПС гарам ташиш машинаси. У мамлакат механизаторларининг юксак баҳосига сазовор бўлди.

А. БРЯНОВ фотоси (ТАСС фотохроникаси).

СПОРТ ОЛАМИДА

Кабутарлар ва ҳалқалар

Токиода ўтадиган Олимпиада ўйинларининг ташкилот комитети Олимпиаданинг тантанали очилиши ва ёпилиши программасини эълон қилди. Очилиш маросими 1964 йил 10 октябрда бўлади. Маҳаллий вақт билан соат роса 14 да «Миллатлар паради» — олимпиадачиларнинг тантанали марши бошланади. Марш давомида 5 та самолёт стадион устида 5 та олимпиада халқасини ясайди. Соат 15 дан 5 минут ўтганда 18-Олимпиада ўйинлари очилди, деб эълон қилинади. Салют берилиб, ўн минг кабутар осмонга парвоз қилади. Соат 15.30 да Олимпиада машъали ёқилади.

Ўйинларнинг ёпилиш маросими 24 октябрь соат 17 да бўлади. «Миллатлар парадидан» сўнг стадион узра 5 халқалик Олимпиада байроғи, Япония байроғи ва кейинги Олимпиада ўйинларининг ташкилотчиси бўлган мамлакат байроғи кўтарилади. Фанфарлар янграб, олимпиада машъали ўчади, стадион қоронғуликка чўмади. Токиодаги Олимпиада ўйинлари ана шундай тугайди. (АПН).

84 ЁШЛИК СПОРТЧИ

Инглиз Джо Дикин 1908 йилдаги Олимпиада ўйинларида биринчи марта катта муваффақиятга эришган эди. Ўшанда у 1500 метрга югуришда қатнашган. Шундан сўнг Дикин юзлаб мусобақаларда иштирок этди. Ҳозир у 84 ёшда. Лекин шундай бўлишига қарамай у ҳали ҳам спортни ташлагани йўқ. Яқинда Лондон яқинида ўтказилган кроссда Дикин биринчи бўлиб келди. Италиялик Ажесъоло Греконнинг спорт биографияси ҳам қизиқ. У биринчи марта қиличбозлар мусобақасида... 1899 йилда қатнашган эди. Ҳозир 97 ёшлик Греко ҳар куни машқ қилади.

(АПН).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Кушиндўстимиз** (мактаб ўқувчилари учун). 18.35 —**Халқаро масалалар.** 18.55 — **Концерт** (бадиий ҳаваскорлар ижросида татар куйлари). 19.35 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 19.55 — **Телевизион янгиликлар.** 20.15 —**Тарихий аҳамиятга эга бўлган катта воқеа** (РСДРП II съезднинг 60 йиллиги олдидан). 20.30 — **Ёш рассомлар ижоди.** 21.10 — **Бўш ўрин** номли киноповесть, фильмдан сўнг **концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.05 — **Иккинчи уйимиз.** 18.35 — **Ягона иқтисодий районда** 18.50—**Реклама ва эълонлар.** 19.00 — **Разиллик қонуни** (ҳужжатли фильм).

Ўзбек тилида: 19.55 — **Суданда.** 20.35 — **Шаҳарликлар учун.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Занжир реакция — «ВАТАН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (тоқ соатларда).

Капрон тўр — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Француз учоғи олдида —НАВОИЙ номли. «ДРУЖБА» (2-залда), (кундуз ва кечқурун).

Катта ҳаёт (1 ва 2-серия) — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаммасига ёз сабаб — «ДРУЖБА» (1-залда), «УЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Қизлик йиллари — «ВОСТОК» (кеч соат 6 ва 8 да).

ЁЗГИ БИНОДА:

(Сеанслар кеч соат 9 ва 10-40 минутда)

Компаньерос — «ВАТАН».

Олтин юлдуз таққан малика — НАВОИЙ номли.

Ҳаммасига ёз сабаб — «ФЕСТИВАЛЬ».

Мен, бувим, Илико ва Илларион — КАФАНОВ номли. «МЕҲНАТ», ТЕЛЬМАН номли.

Солдат қиссаси —1 МАЙ номли.

ПРОФТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИГА

старший ревизор

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 7-уй.

Оҳангарон қишлоғи, 50-квартал, 31-уй, 6-квартирада турувчи **Роза Мансуровна Хазиаҳметованинг** Раис Сайфулғалимович Хазиаҳметовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

Чигатой кўчаси, 2-тупик, 25-уйда турувчи **Саодат Деҳқоновна Иномованинг** шу уйда турувчи Абдулла Юсуповдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Фурқат кўчаси, 6-уйда турувчи **Ҳабиба Маҳмудованинг** Вилоят кўчаси, Кишечний проезд, 79-уйда турувчи Муҳсим Маҳмудовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Жапаридзе кўчаси, 7-уйда турувчи **Зулайха Урмонованинг** Минин-Пожарский кўчаси, 15-уйда турувчи Ғулом Ўрмоновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Шатурская кўчаси, 1-уйда турувчи **Тамара Семёновна Сайфулина (Белоусова)нинг** Байналминал кўчаси, 51-уй, 2-квартирада турувчи Искандер Алиевич Сайфулиндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Чемпион кўчаси, 6-уйда турувчи **Иром Аминовнинг** Хизматчи кўчаси, Ёшюрак тупик, 8-уйда турувчи Попук Аминова (Умарҳўжаева)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Кичик-қозиравот кўчаси, Зўр тупик, 22-уйда турувчи **Убайдулла Отахўжаевнинг** Чилонзор кўчаси 19-уйда турувчи Шарифа Отахўжаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалиги бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 33788. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31.936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти босмахонаси.

Р. 08336. ... 1627.

Б.

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

— Йўқ денг. Айтганча, сизга битта совға олиб келган эдим.

— Нега энди, — аччиғлангандек бўлдим. — Сиз менинг қариндошим ҳам эмассиз...

— Шундоғ-у, лекин... Олинг, қўлимни қайтарманг. — Ичимда бир овоз «ол, олақол, нима экан» дегандай бўларди.

Зиракни олиб нимчаммнинг чўнтагига солиб қўйдим. Дадамларнинг оёқ товушларини эшитиб, гапимиз бўлинди.

Қайтишда Қурбон ака «Қизингиз ўқиса, катта одам бўлади-да» деди. Дадам «қайдам» деб қўяқолдилар. Аямнинг энсаси қотди. «Этикдўзнинг қизи ўқиб нима бўларди» деб, орқасидан қараб қолди.

Бир неча кундан кейин уйимизга жеготделдан вакилалар келишди. «Меҳрихон ўқимай турмушга чиқиб кетса, сиз жавобгарсиз» — пўписа қилди ўша аёлларнинг бири аямга. Бўлди тўполон, бўлди тўполон. Йўқ, ахири мен ўқийдиган бўлдим. Ҳар куни уйдан паранжида чиқаман-у, мактабга якинлашганимда, чинорнинг кавагига бекитиб дарсга кираман. Уйдагиларга ҳар нарсани баҳона қилиб, Қурбон акадан дутор ўрганаман.

Қурбон ака кўплаб шогирдлар етиштирмоқчи эди. Уйимизга одам қўйган эди. Афсус, бечора нилтига етолмади: босмачилар кечаси чавақлаб кетишди.

Қурбонжон ўлдирилган кунидек қишлоқдаги бир неча аёл паранжисини ўтга ташлади. Назаримда, паранжи эмас, эски дунёдан қолган ҳамма иллатларнинг кули кўкка совуриларди. Кейин, Қурбон ака тузган комсомол ячейкага аъзо бўлдим.

Қурбон акадан менга хотира бўлиб қулоғимдаги зирак билан Наимахон чалаётган дутор қолди, холос. Бечора, меня бирам яхши кўрардики, юрагидаги гапини айтолмай кетди. Айтганда ҳам дунёдан беармон кетармиди?!

Осойишта кунлар бошланди. Қурбон орзу қилган созандалар тўғараги ўрнида музика мактаби очилди, мутахассислар келди. Мен ўзим дуторчи қизлар ансамбли тузиб, Қурбон акадан қолган дутор билан қанчадан-қанча қизларни дуторга ўргатдим.

Шу орада Сулаймон деган бир йигит дутор эшитишни баҳона қилиб мактабга келиб-кетадиган бўлиб қолди. Дутор чалганимда сел бўлиб ўтирарди. Кейин билсам, шоир айтгандай, гулни баҳона қилиб ёр кўргани келаркан. Қўйинг-чи, Сулаймонга ишқим тушди. Ўғил ҳам кўрдик, отини Қурбон қўйдим. Ўғлим энди олдимга ош қўяман деганида, уруш бошланди. Ота-бола олдинма-кейин армияга кетишди. Иккагаси ҳам қайтгани йўқ. Кундуз кунлари колхозда ишлаб кечқурунлари бирор аёлнинг уйига йиғилишиб кўсак чувганимизда, дуторни олардим-у, «Келур» деган қўшиқни айтардим. Кампирларнинг ўғли, келинларнинг қайлиғи урушдан қайтиб эшик тақиллатаётгандай, аёлларнинг юзлари ёришарди. Ҳамма ҳаётга ишонарди. Кечагидан инумлироқ ишларди.

Ўзим ҳам урушда бўлганман. Бир неча созанда-яккахонлар аскарларга концерт бергамиз. Мен шу дуторни чертиб қўшиқ айтганман. Ўқ узиб бирор душманни йиқитмаган бўлсам ҳам, лекин душманнинг кулини кўкка совурганлар орасида менинг қўшиғимни эшитганлар бор.

Уруш ҳам тугади. Ҳар бир хонадонга бахт кириб келди. Ғалаба кунини ҳам шу дутор билан кутиб олдим.

Ўшандан буён музика мактабида дутордан дарс бераман. Наимахон ҳам шогирдларимнинг бири. Дутор чалишига қойил қолганимдан Қурбон акангиздан қолган дуторни унга тақдим қилганман. Бу дутор билан у чет элларга — Ешлар фестивалларига бориб бутун дунёни қойил қолдириб қайтди.

Ҳали, мана шулар ҳақида ўйлаганимда, кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Агар шу қизларни Қурбон акангиз кўрганда боши осмонга етмасмиди?

... Йиллар ўтиб, Еттибулоқ қишлоғига яна йўлим тушди. Меҳрихон аяни сўрадим, ҳаёт экан.

Қишлоқ кўчасидан ўша ҳикояни эслаб кетяпман. Уйлар олдидан ўтарканман назаримда ҳар бир хонадондан дутор овози эшитилаётгандек бўларди.

Ўшандан бери ҳар гал дутор овозини эшитсам, дутор билан революцияни қутлаган Қурбон ака, дуторни унинг қўлидан туширимай ушлаб қолган Меҳрихон ая, Наимахонлар кўз олдимдан ўтади.

Меҳрихон ая айтгандай: Ҳали бу дутор Наимахоннинг етти пуштига, энг муқаддас нарсадек, қўлма-қўл ўтади. Кимки бу дуторни чертаркан, у одамлар ўртасидаги муҳаббат, одам боласининг ўз тақдири йўлидаги кураши ҳақида сўллаб беради...

Анвар ЭШОНОВ.

6.